



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1990 йил 29 январь, чоршанба • № 9 (10.887) • Эркин нархда сотилади.

РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА



27 январь кuni Республика Президенти Ислom Каримов раислигида Вазирлар Маҳкамасида йиғилиш бўлди. Унда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган ислохотларнинг бориши, 1996 йил якунлари ва 1997 йилдаги бу борадаги устувор вазифалар муҳокама этилди. Мажлисда тегишли вазирликлар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги соҳасига мутасадди ўринбосарлари, бир қанча жамоа, деҳқон (фермер) хўжаликлари раислари, тадбиркорлар иштирок этди.

Биз бугун қишлоқ хўжалиги соҳасида 1996 йил якунларини кўриб чиқишимиз, улардан керакли хулосалар чиқариб, жорий йилда ана шу камчиликларнинг такрорланмаслиги учун ҳаракат қилишимиз лозим, деди Ислom Каримов. Бу гап, айниқса, қишлоқ хўжалик соҳаси учун тегишлидир. Чунки қишлоқ хўжалигида ўтказаятган ислохотларимиз кутилган натижани бермас, умумикисодидетда ўзгаришга эришиб бўлмайди. Зеро, бизнинг ризқ-рўзимиз қишлоқ билан боғлиқ, саноат корхоналаримизнинг кўп қисми қишлоқларда етиштирилган хом ашё асосида ишлайди. Агар халқимизнинг 65 фоизи қишлоқ жойларда яшашини назарда тутсак, масаланинг нечоғли муҳимлиги янада ойдинлашади.

Шуни тан олишимиз кераки, ҳозирча қишлоқда ўтказилаётган ислохотлар йўлида муайян тўсиқлар, бу ишларни ривожлантириш борасидаги камчиликлар мавжуд. Хусусан, мулк шаклини ўзгартирган деҳқон (фермер) хўжаликлари, хусусийлаштирилган фермаларга ёрдам бериш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида изчиллик етишмаяпти. Уларга етарли миқдорда ер ажратиш, айланма маблағларини ҳосил қилиш учун кредит бериш, техника ва ўғит билан таъминлаш, етиштирган маҳсулотларини сотиш каби масалаларда вазирликлар ва бош-

қа ташкилотлар ҳамда ҳокимликлар яқиндан ёрдам беришлари керак. Қишлоқ ҳақида қайғуриш барчанинг иши бўлмоғи зарур, деб таъкидлади Президент.

Бизда ҳақиқий фермерлар, мулк эгалари, тадбиркор хўжалик раҳбарлари камлиги сезилади. Шунинг учун ҳам янгича фикрловчи одамларни аниқлаш, уларга масъулиятли вазифаларни ишониб топшириш лозим. Чунки қобилиятли кадрлар ҳар қандай жамиятнинг олтин фонди ҳисобланади. Уларнинг изланишлари, меҳнатларисиз жамиятнинг тараққиётга эришиши секин кечади.

Қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш, мулк ва ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш, кўшимча иш жойлари ташкил этиш орқали қишлоқ хўжалигида ишловчилар сонини камайтириш ислохотларни амалга оширишнинг устувор йўналишлари бўлиши лозим. Бундан ташқари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан химия, агросервис, қайта ишлаш ва тайёрлов ташкилотлари ўртасида ўзаро манфаатдорликни таъминлаш ҳам муҳим вазифадир. Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятига аралаш, уларга тазйиқ ўтказиш, таъмагирлик ва тўраларча муно-

сабатда бўлишнинг ҳар қандай кўринишларига қатъий барҳам бериш даркор, деб таъкидлади Ислom Каримов.

Мажлисда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Қ. Обидов кун тартибига қўйилган масала юзасидан ахборот берди. Қорақалпоғистон Республикаси Эллиқалъа туманидаги «Сарабий» деҳқон (фермер) хўжаликлари уюшмаси раиси И. Аvezниёзов, Хоразм вилояти Боғот туманидаги «Боғот» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси М. Кувақов, Хонқа туманидаги «Ғалаба» ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси Ў. Абдуллаев, Андижон вилояти Олтинқул туманидаги «Намуна» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси М. Ҳамроев, Наманган вилояти Уйчи тумани О. Мўминов номидаги жамоа хўжалиги раиси Р. Исматуллаев, Сурхондарё вилояти Денов тумани С. Раҳимов номидаги жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Ўзбекистон Қажрамони И. Файзуллаев, Тошкент вилояти «Муқимий» хусусий чорвачилик фермаси бошлиғи М. Эрхўжаев, Фарғона вилояти Бешарик тумани агрофирмаси раиси А. Абдуназаров, Қашқадарё вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т. Каримов ва бошқалар сўзга чиқиб, ислохотларни амалга ошириш борасида жойларда тўпланган тажриба, бу йўлдаги тўсиқ ва муаммолар хусусида батафсил тўхталдилар.

Мажлисда республика Бош вазири Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

(ЎЗА).

Суратда: йиғилиш пайти. А. ТўРАЕВ олган сурат.



ЖОННИНГ РОҲАТИ ЭКАН

Уч ойдирки, Англиянинг «Массей Фергюссон» фирмаси ишлаб чиқарган тракторлар вилоятимиз далаларида синовдан ўтказилмоқда. Фирманинг қишлоқ хўжалик машиналари осон бошқарилиши, чидамлилиги, ёнилғини кам сарфлаши, кўркамлиги ва энг муҳими меҳнат унумдорлигининг юқорилиги билан ажралиб туради. Куйичирчиқ туманидаги «Ўзбекистон беш йиллиги» фермерлик хўжалиги механизаторлари фирманинг тўрт хил тракторларини синаб кўриб, уларни ёқтириб қолдилар. Негакки, бу тракторларнинг ҳар бири 90-240 от кучига, учтадан еттитагача ярусли айлана плугларга, 25-40 сантиметр чуқурликкача ерни ҳайдаш қувватига эга эди. Бунинг устига тракторлар мавсумий бўлмай, балки йил бўйи ишлай олади.

— «Массей Фергюссон» техникасига қор ҳам, ёмғир ҳам пиланд эмас, — дейди «Ўзбекистон беш йиллиги» хўжалигининг бўлим бошқарувчиси М. Аҳмедов. — Қуввати эса «Олтой» Т-4 маркали тракторга қараганда бир неча барабар кўп.

Раҳим ҚОДИРОВ.

САҲОВАТ

ПИСКЕНТДА Худоёр Мирзатиллаевни саҳоватпеша инсон сифатида танийдилар ва ҳурмат қиладилар. Туманда ишлаб юрган кезларида ҳам одамларга ҳамиша яхшилик қилишга интиларди. Ишбилармон тадбиркор бичув-тўқув корхонасини очганда, тумандаги маиший хизмат уйига раҳбарлик қилганида ҳам кам таъминланган оилаларга қўлидан келганча ёрдам қилиб турди. Канопни қайта ишлаш ва сотиш вилоят бирлашмаси бошқаруви раис бўлиб келганда ҳам туман аҳлига саҳоватини қанда қилмади. Яқинда Худоёр Мирзатиллаев 11 та ночор оилага ун, гуруч, шакар тарқатди. Ўн фарзандни гилам тўқиш ҳиссадорлик жамияти боғчасига ўз ҳисобидан жойлади. 30 ўқувчига текинга йўлланма тарқатди. Ойбек номли маҳаллани электрлаштиришда ёрдам кўрсатди.

Собир ИНОМОВ.

ҚУВНОҚ БОЛАЛАР

ЧИРЧИК шаҳар болалар ва ўқувчилар ижодиёти марказида фаолият олиб бораётган «Кўғирчоқ» театр студияси жамоаси «Кўғирчоқлар оламига саёҳат» деб номланган янги томошани кўрсата бошлади. Эртақлар қаҳрамонларининг қизиқарли саргузаштлари, қувноқ куй ва кўшиқлардан иборат спектаклни Алейся Пелис саҳналаштирган.

Олмалик шаҳар маданият уйи «Шаҳноз» болалар рақс дастасининг иқтидорли мактаб ўқувчилари эса «Қувноқ болалар ўйнаганда» деб номланган янги дастурни намойиш қилдилар. Шаҳноза Исяминова саҳналаштирган дастурда болаларга хос беғуборлик, қувноқлик акс этган. Айниқса, Зумрад Қурбонова, Феруза Болтаева, Роҳатой Ёлғочовалар талқинидаги рақслар барчага манзур бўлмоқда.

С. САЛОҲОВ.

«НАВРЎ АРАФАСИДА» САНЪАТ АНЖУМАНИ

ЯҚИНЛАШИБ келаётган Наврўз байрамига бағишлаб ўтказиладиган анъанавий театр анжумани «Наврўз арафасида» деб номланди. Унда мамлакатимиз театрларида саҳналаштирилган миллий мафкурамизга, маънавиятга

хизмат қилувчи энг сара асарлар тақдим этилади. Ҳамза номли драма театри ва қорақалпоғистонлик санъаткорлар Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон», Жиззах вилоят драма театри Одил Ёкубовнинг «Фотиҳи музаффар ёки бир париваш қис-

саси» асосида тайёрланган асарлар билан қатнашадилар. Шунингдек, анжуманда кўшни Қирғизистон, Қозоғистон саҳна усталари ҳам соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи томошалари билан иштирок этадилар.

Ундан ортиқ театрлар беллашадиган мазкур анжуманда фолибларни томошабинлар аниқлайдилар. Яъни томошабинлар

жавоблари умумлаштирилиб, фолиблар танланади. Шунингдек, энг яхши режиссёр, энг яхши расом, энг яхши аёл ва эркак қиёфаларини яратган ижодкор, энг яхши айрим саҳна (эпизод) қатнашчисига каби совринли мукофотлар ҳам бор.

Ушбу анжуман ҳақиқий санъат байрамига айланади, деган умиддамиз. Чунки, халқи-

Анъана

мизнинг ўтмиши, урф-одатлари, миллий анъаналари ўз аксини топган саҳна асарлари барчанинг қизиқишини уйғотиши табиий.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

Шу йил 27 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохларнинг бориши, 1996 йил якунлари ва 1997 йилдаги вазифалар муҳокама этилди. Мажлисда республика қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, иқтисодий ислохларни амалга оширишда ҳамон жиддий камчилик ва нуқсонлар борлиги қайд этилди. Хусусан, чорвачилик соҳасида ҳам қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлиги қаттиқ танқид қилинди. Бундай нуқсонлар вилоятимиз туманлари, хўжалик-лари, хусусийлаштирилган фермаларда ҳам ҳанузгача учраб турибди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, деҳқон-фермер, хусусийлашган фермалар фаолиятини лозим савияга кўтариш учун таъсирчан чора-тадбирлар кўрадиган вақт етиб келди.

Бундай қараганда, туманда чорвачиликни ривожлантириш учун ҳамма ишлар қилингандек, чора-тадбирлар белгилаб, амалга оширилгандек кўринади. Президентимизнинг фармонлари ва ҳукумат қарорлари асосида барча хўжаликлардаги фермалар хусусийлаштирилди, жамоа мулкига, ёхуд хусусий мулкка айлантирилди.

Бирок, умидлар пучга чиқяпти. Ишонч оқланмаяпти. Тахлиллар, синчковлик билан олиб борилган текширишлар бугунга келиб барча кўрилган чора-тадбирлар пиш-қиқ-пўхта амалга оширилмаганлигини, бу соҳада хўжакурсинчиликка, расмиятчиликка йўл қўйилганлигини маълум қилиб қўйди! Хусусийлаштирилди, деб ўзларини ўзлари алдаб юрган эканлар! Фактлар шунини кўрсатмоқда.

Туманда чорвачилик жадаллик билан орқага, бемалол айтиш мумкинки, жар ёқасига қараб кетяпти. Узоққа бормади кўжолдайлик. 1996 йил якунлари билан таниш-сак, ҳамма нарса ойдин бўлади қолади. 1995 йилда туманда 10 минг бош қорамол бор эди. Утган йили эса уларнинг ярми камайиб, 5013 бош қолди. Агарда 1995 йилда 3900 дан ортиқ сигир боқилган бўлса, утган йили шунинг 53 фоизи қолди, холос. Бузоқ олиш ҳам кескин камайди. 1995 йилда мавжуд соғин сигирлардан ўртача бир йилда 1170 килограмдан сут соғиб олинган бўлса,

аранг 210 центнерданга тўғри келди. Ҳашаки лавлаги, оралиқ экинлар умуман экилмади.

Сигирнинг сути тилида, дейдилар, қорни тўйиб овқат емаганидан кейин, албатта, сут бермайди!

Айниқса «Қолгансир», «Авангард», «Фарход», «Файзулла Ҳасанов», «Зулфиқор», «Дўстлик», «Тақача» хусусий фермаларида ахвол ачинарли.

Бир нарса кишини ўйлантиради. Фермалар хусусий бўлгач, жамоа мулкига айланган, ишлар юришиб кетиши керак эмасми?! Нега, акси бўляпти. Ҳамма гап шундаки,

Бетимнинг қалини-жонимнинг хузури

кўп фермерлар бу ҳақиқатнинг таги етиб, фермаларнинг ўнгланишидан умидларини узиб, қўлларини ювиб, қўлтиққа уриб юришибди, менга нима, бўлганча бўлади-да, деб жон койитмай қўйганликларининг боиси ҳам ана шунда.

Хўжалик раҳбарларининг эса парвои палак. Улар чорва турган битгани ташвиш, ундан хўп қўти-либ олдик-да, деб юришибди. Ле-

беришади?! Одамлар бетига қандай юз билан қарашади?

Бизга, оббо, яна Бекобод чорваси ҳақида ёзилаётгани, деб эътироз билдиришлари мумкин. Бу эътирозга қўшилса бўладими?

Ҳақиқатан ҳам Бекобод чорвачилигида рўй берган ташвишли аҳвол, зудлик билан чораси кўрилма-са бу ҳолат янада мушкуллашиб кетиши, уни тузатиб олиш қийин бўлиши ҳақида асосли далиллар келтирилиб, катта-кичик йиғинларда бир неча бор айтилди, газетамизда ёзилди, радиода танқид қилинди. Лекин, барибир, хулоса чиқариб олинмаяпти. Нима, қулоғингизга танбур чертиляптими?

Эҳтимол фермерларнинг ҳам ўз дардлари, муаммолари, ташвишлари бордир, қалашиб ётгандир. Улар билан чин дилдан, очиқ-часига гаплашиб, дардларига мал-ҳам бўлиш чораларини кўрмаслик мумкин эмас! Утган йили бурноғи йилга нисбатан моллар бош со-ни ярмига камайиб кетган бўлса, кейинги йили яна шунчага ка-майса, ўз-ўзидан маълумки, бо-ра-бора чорва йўқ бўлиб кетади! Бунга ким жавоб беради? Кейинги пушаймондан эса фойда йўқ.

Ҳали ҳам кеч эмас. Чорвачиликка бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш керак. Ахир бир вақт-лари фермада соғиб олинаётган сут бир литрга камайиб кетса, хўжалик раҳбарлари у ерга бориб, то камомаднинг ўрнини тўлдир-магунча «ётиб» олишарди. Нега ҳозирги кунда шундай қилинмайди. Бундай ташвишли ахволга ортиқ йўл қўйиб бўлмайди. Чорвачилик-да ҳар бир нарса токи ўз ўрнига қўйилмас экан, барибир асосий айб раҳбарга келиб тушаверади. Бу оддий ҳақиқатни англаб етиш пайти келди!

Носир РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
махсус мухбири.

ҚУЛОҒИНГИЗГА ТАНБУР ЧЕРТИЛЯПТИМИ?

Вожаб! Утган йили Бекобод туманида бир сигирдан ўртача бор-ўйги бир литрдан сут соғиб олинди. Эчки ҳам бунчалик кам сут бермайди-ку!

Утган йили бу рақам 369 килограммга тушиб қолди. Вожаб, бу кунига бир сигирдан бор-ўйги бир литрдан сут соғиб олинди дегани-ку?

Айрим фермаларда эса сигирлардан умуман сут соғиб олинмаган. Ҳозир бу фермаларнинг «эгалари» молларни қандай қилиб, уларнинг оғзи кўкка теккунча бир амаллаб олиб чиқсам экан» деган ташвиш билан юришибди.

Нега бунчалик ташвишли аҳвол рўй берди.

Озука камайиб кетди. Бир шартли қорамолга бор-ўйги 7,6 озука бирлиги тайёрланди. Чунки, озука экинлари ҳосилдорлиги ниҳоятда паст. Оқибатда бу соҳадаги режалар ўлда-жўлда қолиб кетди. Мак-кажўхори кўк пояси ҳосилдорлиги

хали ҳам фермалар ўз эгасини топмаган. Бунинг сабаби бор. Ферма-ни жамоа мулки, хусусий мулк қилиб олган фермер унинг пулини, қийматини тўлаб бўлгачина, ўзини ҳақиқий хўжайин деб ҳис қилиши мумкин. Ваҳоланки, деярли ҳамма фермалар мол-холи, жойи, асбоб анжомо-ю техникаси билан насияга берилган. Фермерлар кўпи билан 10 фоиз ҳақни тўлашган, холос. Қолган қарзни эса айрим фермерлар 10 йил давомида, хусусий қилиб олганлар эса беш йилда тўлашлари керак. Бунинг учун ўша фермалар даромад, соф фойда келтириши шарт. Лекин, соф фойда олиш уёқда турсин, бор чорванинг ўзи йўқ бўлиб кетаяпти. Бу аҳволда улар қачон қарздан узилишади-ю, қачон «хўжайин» бўлишади. Ҳозир

кин, дўппини ерга қўйиб, бир ўйлай-лик-чи! Модомики, фермерлар хали-вери қарзни узишолмас экан, демак ферма ва у ердаги мол-мулклар, техникалар ҳам хали хўжаликни, жамоа хўжалигида меҳнат қилаётган жамо одамларнинг, яъни халқнинг мулки ҳисобланади. Шунинг учун раҳбарларнинг фермерларни ўз аравангига ўзинг торт, билганингни қил, деб ташлаб қўйишлари инсофдан эмас. Моддий жа-вобгарлик хали ҳам раҳбарларнинг бўйнида. Мабодо фермер бутунлай инкирозга юз тутса, халқ бизнинг чорвамизни нима қилдинг, туппа-тузук маҳсулот бериб турган си-гирларимиз қаёққа кетди, деб фер-мердан эмас, раисдан сўрайдилар, унинг ёқасидан оладилар. Унда хў-жалик раҳбарлари нима деб жавоб

ПЕШҚАДАМЛИК ЗАВҚИ

Инсон бир марта бериладиган умрини шундай яшаши керак-ки, токи вақти келиб босиб ўтилган йўлга назар ташлаганда кўнгли ўксимасин. Зеро, меҳнатга чинакам ошнолик, ҳаётда ҳалол ва ростгўй бўлиш, касбга фидойиликкина ана шундай бахтга муяссар этади. Борди-ю у ташаббускор ва ташкилотчи бўлса, ўз соҳасида ингиликларни дадил жорий эта билса, пешқадамлик завқи, шубҳасиз, киши умрига янада мазмун киритади.

Тажрибали матбаачи — Ангрэн шаҳар босмахонаси директори Юрий Алексеевич Югай ўз ҳаёти-ни ана шундай инсоний ва ишчан фазилатлари билан безаб келаётган замондошларимиздан саналади. У ҳақда гап кетганда кўп-лаб сифатлари қаторига «биринчи» ёки «биринчилардан бўлиб» ибораси-ни қўшиб сўзлашари беҳиз эмас. Чиндан ҳам Юрий Алексеевич ажойиб ташкилотчилик, ўз соҳа-сининг пешқадам раҳбари сифа-тида кўпчиликнинг ҳавасини кел-тиради.

Бундан етти-саккиз йилча ил-гари вилоятимиздаги аскарлар шаҳарларида маҳаллий газеталар рус тилида чоп этилар эди. Мус-тақиллик шабада-си эса бошлади-ю Ангрэнда бу бўшлиқ биринчи-лардан бўлиб тў-лдиринишга кири-шилди. Шаҳар босмахонасида «Ангрэн ҳақиқати» газетаси чоп этила бошланди. Гарчи дабуду-рдан шароит бўлмасида Юрий Алексеевичнинг бевосита ҳарака-ти, жонқурлиги туфайли у муш-тарийлар қўлига етиб борди.

Эсимда. «Ангрэн ҳақиқати»-нин-г илк сонларидан бирининг да-стлабки нусхасига «чоп этилсин» деган имзони қўйиб, тахририятга ошиқаётган эдим, йўлак бошида Юрий Алексеевич кўринди.

— Қалай кўнгиладигидек бўляп-тими.

— Дуруст, ҳаммаси жойида... Директор ҳақида бўлган кури-ма-ган газетани диққат билан кўздан кечирар экан, ундаги жиддий тех-ник хатони пайқаб қолади.

— И-я! Мана бу сурат тескари қўйилди-ку. Тезда тўзатмасак бўлмайди.

Не кўз билан кўрайки, ички бет-даги суратда шаҳар корхоналари-дан бирининг раҳбари иш столи-да қаламни «чап» қўли билан ту-тиб турарди. Энди нима қилдим? Газета анча-мунча нусхада босиб қўйилган бўлса...

Ушанда Юрий Алексеевич мени барча ташвишлардан халос этди.

— Утиринг, — деди у мени каби-нетига таклиф этаркан илтифот билан. — Кўркманг, бу сафар ортиқ-ча ҳаражатларни ўз зиммамга ола-ман. Аммо бундан кейин хушёр бў-линг. Газета шахримизнинг юзи. Уни арзиманган хато билан ҳам чоп этишга асло ҳаққимиз йўқ.

Директорнинг газетига бўлган бундай муносабатига бир қойил қол-сам, унинг ўзбек тилида бемалол сўзлай олишига яна бир тан бериб турардим. Кейинчалик Юрий Алексеевичнинг бундай фазилатларига кўп гувоҳ бўлдим. Биргина мен эмас, босмахона ва тахририят ходимларининг қайси биридан

Шогирдлар устозлар ҳақида

сўраманг, албатта, Юрий Алексее-вичнинг кўп ёрдами теккани, ўз ва-зифасига масъулият ҳиссини уйғот-гани, виждонан ҳалол ишлашга ўр-гатгани ҳақида мароқ билан сўз-лайди. Вилоят матбаачилик тизи-мида эса уни ташаббускор, тад-бирли раҳбар сифатида кадрлаша-ди. Босмахона жамоасининг ўз раҳ-барига вилоят матбуот бошқарма-си учун берган тавсифомасида илиқ гаплар айтилгани беҳиз эмас. Тавсифномада, жумладан, шундай дейилади: «... Юрий Алексеевич меҳнат фаолиятини деҳқончиликдан бошлаган. 1962 йилда Тошкент элек-тротехника техникумини тугатиб, Ангрэн шаҳар босмахонасига иш-га кирди. Ишдан ажралмаган ҳол-да Москва полиграфия институти-ни сиртдан ўқиб тамомлади. Меҳ-натсеварлиги, ташкилотчилиги ту-файли оддий харф терувчиликдан босмахона директорлигигача кўта-рилди... Ю. А. Югай босма маши-налари ва босиш технологиясини чукүр ўзлаштирган. Матбаачилик ик-тисодиётини яхши билади. Улкан меҳнат тажрибасига эга, касбига садоқатли, раҳбар сифатида ўз жа-



моасига гамхўр...

Бозор муносабатлари шароити-да босмахона иқтисодий рав-нақ топиб бормоқда. Бу ерда чоп этилаётган шаҳар ва кўп нусхали газеталар билан бир қаторда ажойиб китоблар, кўпранглик пла-катлар, этикеткалар юқори сифат-лиги билан ажралаб туради. Бу босма маҳсулотлари орасида ўқувчилар дафтаридан тортиб теле-фон маълумотномасигача бор. Яқиндан бошлаб буюртмаларни лотин алифбоси-да тайёрлаб бе-риш ҳам йўлга қўйилди.

Босмахонада офсет, компью-тер усуллари биринчилардан бў-либ жорий этилган. Бундай «ак-ли машина»лар ёрдамида босма-хона жамоаси бултўр ўн икки мил-лион сўмдан ортиқ маҳсулот тайёрлашга эришди.

Юрий Алексеевични жамоа аъзоларига чинакам гамхўр, де-ди. Дарҳақиқат, босмахонада ви-лоят босмахоналарига қараганда энг яхши иш шароити яратилган.

Юрий Алексеевич жамоат иш-ларида ҳам фаол қатнашмоқда. Айни пайтда вилоят матбуот бош-қармаси Кенгаши аъзоси, Ангрэн шаҳар кенгаши депутати, шаҳар кенгаши режа-бюджет ҳамда ма-даният ходимлари касаба уюш-малари шаҳар кўмиталарининг раиси, шаҳарда давлат тили ко-нунини амалга ошириш комиссия-сининг аъзоси ҳамдир.

Тажрибали матбаачи, фаол жа-моатчи Ю. А. Югайнинг келгуси ишларида пешқадамлик завқи тар-к этмаслигини тилаймиз.

Неъмат Абдул ВАҲҲОБ.



ВЕНА

● АВСТРИЯ пойтахтида Оврупода оддий курул-ларни қисқартириш тўғрисидаги шартномани янги-лаш юзасидан музокаралар бошланди. Бу музока-ралар ёпиқ ҳолда ўтказилмоқда. Бир ярим йил давом этадиган музокаралардан мақсад қитъада сўнги пайтда юз берган воқеликларни ҳисобга ол-ган ҳолда ўзаро бир фикрга келишдир.

БИШКЕК

● ҚИРФИЗИСТОН Конституциявий суди респуб-ликанинг асосий қонунига ўзгартириш киритиш мумкин деб ҳисобламоқда. Бу ўзгартиш қирғиз ти-ли билан бирга рус тилига расмий мақом берили-шини қафолатлайди. Конституциявий суд фикрини мамлакат президенти Аскар Акаев қўллаб-қувват-лади. Аммо масаланинг узил-кесил ҳал бўлиши учун парламент қарори керак.

НЬЮ-ЙОРК

АМЕРИКАЛИК Деннис Коспрен ажойиб ихтиро қилди. У Теннесси штатидаги тоғларда геологик қидирувлар чоғида тик қоялардан бирида илгари ҳеч кимга маълум бўлмаган 3 та маъдан топди. Бундай табиат жинсларини ҳали ҳеч ким учратма-ган эди, деб тасдиқлади мазкур ихтирони амери-калик таниқли мутахассислардан бири Роберт Лоф. Янги маъданларга ҳали ном берилмаган, уларнинг қандай фойдаси борлиги ҳозирча аниқланмаган бўлса-да, бизни ўраб турган оламнинг ҳали кўп-дан-кўп сиру-синоатлари борлиги яна бир бор ис-ботланди.



СОФ ҲАВО, ТИНИҚ СУВ, ТОЗА ТУПРОҚ, УЧУН!
ТАБИАТ ВАРШИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТАБИАТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ САҲИФАСИ

ВАҚТ ЎТЯПТИ, МУАММО ЕЧИЛМАЯПТИ

ТАРТИБСИЗ тўпланган саноат, коммунал, шу жумладан кимёвий хавфли бўлган чиқиндилар атроф-муҳитга ва инсон саломатлигига, маълумки, катта зарар келтирмоқда. Бу муаммо жаҳонда тобора кўпроқ ташвиш тугдирыпти. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда атроф-муҳитнинг тозаланиши яхшилаш бўйича ҳаракатлар кенг кўламда бошланиб кетди.

Шу нуқтаи назардан қараганимизда, бизнинг вилоятимизда ҳам бу соҳада қилинадиган ишлар кўлами ниҳоятда кенг. Айтиш мумкинки, республикамизнинг бошқа ҳудудларига нисбатан анча мураккаб ҳамдир. Бунинг объектив сабаблари бор.

Вилоятимизда аҳоли жуда зич жойлашган. Унинг майдони республика ҳудудининг уч фоизини ташкил этгани ҳолда барча аҳолининг 10 фоиздан ортиқроғи ушбу минтақада яшамокда. Агар Тошкентни ҳам қўшиб ҳисобласак, бу ерда республика барча аҳолисининг салкам 25 фоизи истиқомат қиляпти. Бу ўз навбатида вилоят ҳудудида саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг юксак даражада марказлашувига олиб келди. Ҳозирги вақтда республика саноат ишлаб чиқаришининг салкам 50 фоизи шу ҳудудга тўғри келади.

Ишлаб турган кўмир саноати корхоналари уруш ва ундан кейинги йилларда қурилганлиги сабабли уларнинг технологик асбоб-ускуналари эскириб қолди. Газ ва сувни тозалайдиган, чангни ушлаб қоладиган мосламалар ҳозирги кун талабига жавоб берамайди. Мамлакатимизда бундай мосламалар ишлаб чиқарувчи тузилмалар йўқ. Бу каби корхоналарда табиатни муҳофаза қилиш бўйича ишлаб чиқилган тадбирлар вақтида амалга оширилмаяпти. Натижада айрим замонавий, чиқиндисиз технологик жиҳозлар ўз вақтида жорий қилинмай, ҳатто эскириб қолмоқда.

Вилоятимиз ҳудудида сўнгги йилларда ишлаб чиқариш ва коммунал чиқиндилари ниҳоятда кўпайиб кетди. Бунга Тошкент шаҳри катта «ҳисса» қўшмоқда. Санитария меёрларига мувофиқ шаҳарда яшовчи ҳар бир фуқаро ҳисобига кунига икки килограмдан рўзғор ахлати тўғри келиши лозим. Агар вилоятда Тошкент билан бирга салкам 5 миллион аҳоли яшаётганлигини ҳисобга олсак, ҳар куни ҳосил бўладиган чиқиндилар миқдори салкам 10 минг тоннага етади. Бизнинг ҳисобларга кўра, ахлатни ташиш зиммасига юклатилган барча воситалар шунча ахлатни ҳар куни ташиб кетишнинг уддасидан чиқолмайди. Улар кўпи билан кунига 5 минг тонна ахлатни ташиш мумкин. Демак, ҳар куни

Тошкентда ва вилоят шаҳарлари ҳамда туманлари ҳудудларида салкам 5 минг тонна ахлат ташилмай қолмоқда.

Ахлатни қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш муаммоси ўта суст ҳал қилинмоқда. Одатан биз кўпроқ ахлатларни кўмиш билан шуғулланамиз. Ахлат таркибида бўлган айрим фойдали

чиқиндиларни қайта ишлаш ҳамон бошланғич босқичдалигича қоляпти. Тошкентдагина эмас, ҳатто, бутун республикада ягона бўлган ахлатни қайта ишлаш заводи бир неча йилдан бери тўхтаб турипти. Бу ердаги технология ҳамон ўзлаштирилгани йўқ. Ҳосил қилинган компост эса маромида бўлмаганлиги сабабли истеъмолчиға маъқул бўлмаяпти. Ҳозирги вақтда рўзғор чиқиндисини қайта ишлаш бўйича айрим фирмалар томонидан таклиф этилаётган технологиялар катта маблағни талаб этади. Буни эса марказлашган тартибда сармоя ажратиш йўли билангина республика миқёсида ҳал қилиш мумкин.

Ишлаб чиқариш ва қурилиш чиқиндилари ҳам вилоятимиз учун катта муаммо бўлиб қолмоқда. Ҳозирги вақтда вилоят ҳудудида салкам 1,5 миллиард тонна шундай чиқиндилар тўпланиб қолган. Республиканинг бутун ҳудудида 2 миллиард тоннадан ортиқ чиқиндилар мавжуд. Бундан аҳвол ниҳоятда ташвишли эканлиги маълум бўлади. Улар орасида захарли чиқиндилар ҳажми 260 минг тоннани ташкил этиб турипти. Ҳозиргача эса 130 минг тонна шундай чиқиндини қайта ишлашга эришилди. Қолганлари эса корхоналар ҳудудларида катта-катта майдонларни эгаллаб ётипти ёки махсус ажратилган жойларга кўмилган.

Вилоятимизда чиқиндиларни қайта ишлаш ёки зарарсизлантириш бўйича ишлар мутлақо олиб борилмаяпти, деб бўлмайди. Муайян тадбирлар амалга оширилмоқда. Масалан, Олмалик кон-металлургия комбинатида чиқаётган газлардан олтингургурт ангидридини қайта ишлаб, ундан олтингургурт кислотаси олинмоқда. Бундан бир неча йил илгари бундай модданинг ҳавога чиқарилиши корхонада 200 минг тоннани ташкил

этарди. Ҳозирга келиб бу миқдор икки баравар камайди. Комбинатдаги кислород-машъала ёрдамида мис эриштиришнинг иккинчи навбатини ишга тушириш чўзилиб кетганида бу газларни ҳам қайта ишлаш мумкин бўларди.

Олмаликдаги «Аммофос» ҳиссадорлик жамиятида минерал ўғит ишлаб чиқариш бўйича янги технология жорий қилинди. Бунинг натижасида ўғитнинг сифати камайгани ҳолда фосфоганчнинг чиқариш аммофос ишлаб чиқаришда 50 фоиз ўрнига 30 фоизгача қисқарди.

Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металллар комбинати ва Ўзбекистон металлургия заводи каби йирик корхоналар қаттиқ чиқиндиларни қайта ишлашни, сувдан фойдаланишда биқик усулни қўллашни йўлга қўйдилар. Ангрен кўмир қонида турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун қимматли хом ашё ҳисобланган каолиндан фойдаланиш муаммоси жойидан кўзгалганга ўхшайди.

Олимлар амалиётчилар билан биргаликда чиқиндилардан иккинчи марта фойдаланиш бўйича қатор қимматли технологияларни яратмоқдалар. Бироқ, уларни жорий қилиш ниҳоятда суст бормоқда. Кўпинча лабораториялардагина синаш ёки нари борганда тажриба-саноат даражасида ишлаб чиқариш билан чекланилмоқда. Ишлаб чиқаришга жорий қилишга келганда эса жараён тўхтаб қолмоқда. Масалан, биргина фосфоганч бўйича ўндан ортиқ олим техника фанлари доктори унвонини олиш учун диссертация ёқлаган. Фан номзодлари ҳақида гапириб ўтирмасам ҳам бўлади. Лекин, фосфоганчдан фойдаланишни ишлаб чиқаришга жорий қилишда ҳамон силжиш сезилмаяпти. Ишлаб чиқилган янги технологиялар қоғозда қолиб кетмоқда.

Бу муаммоларни ҳал қилиш бевосита инсон ҳаёти билан боғлиқдир. Бу соҳадаги ишларимиз меҳнат ва ишлаб чиқаришда кишиларнинг дам олиши ва соғлом турмуш тарзини таъминлайдиган санитария-гигиена шароитларини яратиб беришга қаратилмоғи лозим. Инсон фаолиятининг барча соҳаларида экологияни яхшилаш бўйича аниқ чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш шу куннинг энг муҳим вазифасидир.

Иван КУЛЬБАЦКИЙ,
 вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари.



БИРГАЛИКДА ҲАЛ ҚИЛИНАДИ
Ўзбекистон – АҚШ:
ҳамкорлик кенгаймоқда

ЎЗБЕКИСТОН мустақилликка эришганидан кейин республиканинг экологик аҳолини яхшилаш бўйича ишлар кўлами кенгайиб кетди. Юртбошимиз И. А. Каримовнинг куч-гайрати билан бу хайрли ишда чет эл давлатлари тобора фаол қатнашмоқдалар. Республикамиз ва шу жумладан вилоятимиз экологлари уларнинг табиатни муҳофаза қи-

лиш соҳасидаги тажрибаларини ўрганмоқдалар. Бу муҳим ишда АҚШ алоҳида ўрин тутмоқда.

Фикримизнинг далили учун иккита мисол келтирмоқчимиз. Янги йил арафасида бўлиб ўтган биринчи чақириқ Олий Мажлис VII сессияда «Атмосфера ҳавосини муҳофа-

(Давоми 4-бетда).

ҚОНУННИ ЯХШИ
БИЛСАК...

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақириқ еттинчи сессиясида «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида» қонун қабул қилинди. Бу ҳужжат мамлакатимизда атроф-муҳитнинг мусофқолигини таъминлаш ҳақида қилинаётган ва тобора кучайиб бораётган гамхўрликнинг яна бир ёрқин далилидир.

Республика табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида катта аҳамиятга эга бўлган бу қонунга бағишланиб семинар бўлиб ўтди. Унда республика вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар вакиллари, табиатни муҳофаза қилиш бўйича қўмиталар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Семинарда сўзга чиққан табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси А. Ш. Ҳабибуллаев шуни таъкидладики, республикамиз Президенти, ҳукумати ва Олий Мажлис Ўзбекистоннинг табиий ресурсларидан оқилна фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга катта эътибор бермоқдалар. Республика мустақилликка эришгандан сўнг ўтган беш йил ичида табиатни муҳофаза қилиш фаолияти бўйича қатор қонунлар қабул қилинди. Бу қонунларни жаҳон жамоатчилиги юқори баҳолади.

Асхад Шарипович атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида янги қонуннинг қабул қилиш мақсадлари ҳақида, у кучга кириши билан қандай муаммолар ҳал қилиниши тўғрисида батафсил гапирди. Бу ҳужжат аниқ ва таъсирчан бўлганлигини алоҳида таъкидлади. Қонунда фақат рес-

публикада эмас, шу билан бирга қатор хорижий мамлакатларда тўпланган тажриба ҳам ҳисобга олинган. Жумладан, АҚШ ва Германияда бу соҳадаги тажриба чуқур ўрганилди.

— Биз замонавий, аниқ яна бир қонунчилик ҳужжатиға эга бўлдик, — деди ўз сўзида А. Ш. Ҳабибуллаев. — Экологлар атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича унда қўйилган талабларни ҳаётга татбиқ қилиш учун барча ишларни амалга оширадидлар.

Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари В. Г. Конохов ўз нуқтини қонун айрим моддаларининг муҳимлиги ва замонавийлигини тушунтиришга қаратди. Қонунда 30 та модда бор. Унда биринчи марта атмосфера ҳавоси табиий ресурс деб талқин қилинган, ҳавонинг сифатини баҳолашнинг мезонлари ишлаб чиқилган.

Қонун корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, шунингдек, фуқароларнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича ҳуқуқлари ва мажбуриятларини аниқ белгиланган.

Семинарда иштирокчиларнинг барча саволларига батафсил жавоблар берилди.

Ч.ИВАНОВА.

● Хорижликлар ёрдами ● Ўзбошимчалик қимматга тушди

(Давоми. Боши 3-бетда).

за қилиш тўғрисида» қонун қабул қилинди. Америкадаги Гарвард халқаро тараққиёт институтининг ходимлари уни тайёрлашда бошдан оқ фаол қатнашдилар. Бу мутахассислар ушбу қонунчилик ҳужжати тўғрисида баҳо бердилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Америка Қўшма Штатларига ташир буюрган вақтда Америка вице-Президенти жаноб Гор ўзаро суҳбатда ёш мустақил давлатимизда табиатни муҳофаза қилиш, унинг турли-туман ресурсларидан оқилона фойдаланишни яхшилаш бўйича қўллаётган чораларни юксак баҳолади ҳамда бу масалаларда ёрдам беришга тайёр эканлигини билдирди.

Шундан кейин ўтган йилнинг октябрида Мичиган университетининг профессори, география фанлари доктори, Ўзбекистон ҳукумати учун сув хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасида стратегия ишлаб чиқиш бўйича маслаҳатчи — резидент қилиб тайинланган Филипп П. Миклин республикамизга келди. Ақшнинг халқаро тараққиёт (ЮСАИД) агентлиги табиатни муҳофаза қилиш сиёсати ва

технологияси бўйича лойиҳанинг ҳомийси бўлди. Бу ташкилотнинг обрўси бутун жаҳонга тарқалган. Шу йилнинг январь ойи бошида эса бу масала бўйича Тошкентга КХ2МХИЛЛ компаниясининг вице-президенти, сув ва оқава сувлар бўйича саноат бўлими директори жаноб Том Хиггинс келди. Бу компания атроф-муҳит табиатини баҳолаш, унинг оқибат-

публиканинг энг йирик саноат маркази бўлиши билан бирга унда атроф муҳитни мусаффо қилиш юзасидан ишлар нисбатан дуруст олиб борилмоқда. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси Т.Эргашев бундан бир неча ой илгари АҚШда бўлиб, 10 кун давомида у ерда табиатни муҳофаза қилиш фаолияти билан танишганлигини ҳамда хо-

лар. Чунки, бу корхона вилоят сув ҳавзаларини энг кўп даражада ифлослантирувчи манба ҳисобланади. Ҳар йили у Чирчиқ дарёсига 100 миллион куб метр оқаваларни оқизади. Бу вилоят бўйича барча ифлос оқаваларнинг 85 фоизини ташкил этади. Америкалик экологлар корхонада табиатни муҳофаза қилиш ишининг аҳволи, мураккаб муаммолари билан

жуд экологик муаммолар билан амалда танишдилар.

Биргаликдаги куч-ғайрат тўғрисида АҚШнинг етакчи мутахассислари томонидан экологик жараёнларни яхшилаш ва такомиллаштириш, пойтахт виллоятининг йирик ишлаб чиқариш мажмуаларининг атроф муҳитга салбий таъсирини қисқартириш бўйича тавсиялар, технологиялар ва дастурларни тезкор ишлаб чиқиш учун зарур бўлган барча маълумотлар тўпланди.

Бизнинг хорижий ҳамкасбларимиз Ўзбекистоннинг бошқа виллоятларида ҳам табиатни муҳофаза қилиш ишлари билан танишдилар ҳамда бу соҳадаги муаммоларни ҳал қилишда маҳаллий экологларга барча зарур ёрдамни кўрсатадилар. Бу хайрли ишда уларга муваффақиятлар тилаймиз.

Чармиан
ПЕРЕПЕЛИЦИНА,
виллоят табиатни
муҳофаза қилиш
қўмитасининг етакчи
мутахассиси.

СУРАТДА: америкалик
экологлар виллоят табиатни
муҳофаза қилиш қўмитасида.

Риф ШАРИПОВ
олган сурат.

Ўзбекистон — АҚШ: ҳамкорлик кенгаймоқда

ларини юмшатиш усулларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Америкалик экологлар ташир буюрганларидан сўнг Ўзбекистон республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида биринчи учрашувни ўтказдилар. Унда қўмита раисининг биринчи ўринбосари В. Конюхов қўмитанинг статуси, ҳуқуқлари табиатни муҳофаза қилиш бўйича амалга ошираётган кенг қамровли ишлари билан меҳмонларни таништирди.

Америкаликлар республикада табиатни муҳофаза қилиш ишлари билан танишишни Тошкент виллоятдан бошлади. Албатта, бу бежиз эмас эди. Чунки, пойтахт виллоятни рес-

рижий давлатларнинг бу соҳадаги қимматли тажрибалари ўрганилиб Ўзбекистонда ҳам кенг жорий қилинаётганлиги ҳақида гапириб, америкалик экологларнинг тажрибаси яхши самара беришига шубҳа йўқлигини таъкидлади.

Учрашувда сўзга чиққан жаноб Т. Хиггинс ўзи тўплаган тажрибани ўзбекистонлик ҳамкасблар билан баҳонидил ўртоқлашишни истаётганлигини, бу билан табиатни муҳофаза қилишдек хайрли ишга, демак виллоят аҳолиси саломатлигини яхшилашга кўмаклашишга тайёр эканлигини изҳор этди.

Меҳмонлар Чирчиқдаги «Электркимёсаноати» ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб-

танишдилар. Уларни капролакта ишлаб чиқаришидаги экологик аҳвол ҳам қизиқтирди. АҚШда 2 та шундай йирик саноат компанияси капролакта ишлаб чиқаради. Бу компаниялар «КХ2МХИЛЛ» фирмасининг мижозлари ҳисобланади, фирма уларга ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлашда ёрдам бермоқда. Худди шундай муаммо «Электркимёсаноати» бирлашмаси олдида ҳам турпти.

Америкалик олимлар Ангрэндаги иссиқлик электр станцияларида, Олмалик кон-металлургия комбинати, Оҳангарон цемент комбинати, Янгийўл биокимёо заводи ва бошқа корхоналарда бўлиб, мав-

Янгийўл минтақавий табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси лабораториясининг ходими кимёгар-муҳандис А. Хегай атроф-муҳит ҳолати устидан назорат олиб боришни яхшилаш имконини берадиган мураккаб таҳлилларни ўтказди.

Владимир ГРАНКИН олган сурат.



ДОИМ ЭЪТИБОРДА

ЎЗБЕКИСТОН кийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металл комбинати атроф-муҳитни кўп даражада ифлослантирувчи манбалардан бири ҳисоблаб келинган эди. Кейинги йилларда бу соҳадаги аҳволни яхшилаш юзасидан кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Корхона маъмурияти бу масалага тобора жиддий эътибор билан қараяпти. Чунки корхона экологияси қанчалик яхши бўлса, атроф-муҳит мусаффолиги ҳам, ишлаб чиқариш бўлинуларида қўлай иш шaroитлари ҳам вуҷудга келади, ишчи-хизматчиларнинг саломатлиги мустаҳкам бўлади. Бу эса ниҳоятда муҳимдир.

Корхонамизда табиатни муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи бўлимдан ташқари зиммасига шундай вазифа юклатилган алоҳида цех ҳам ташкил қилинган. Менимча, бундай ишлаб чиқариш бўлими бешка корхоналарда бўлмаса керак. Цех жамоаси ихтиёридаги замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида барча ишлаб чиқариш бўлинуларида экологик аҳволни текшириш, бу соҳадаги камчиликларни бартараф этиш каби масалалар билан мунтазам шуғулланмоқда. Шунинг учун ҳам кейинги вақтларда сезиларли силжишга эришилди. Ишлаб чиқариш бўлинуларида ҳавонинг мусаффолигини таъминлаш қатори кўплаб чиқиндилардан қайта фойдаланиш йўлига қўйилди.

Асосий вазифаси атроф муҳитни муҳофаза қилишдан иборат бўлган бу б-цех жамоасининг куч-ғайрати билан атмо-

ферага чиқадиган аммиак моддаларини ушлаб қолувчи қурилма фойдаланишга топширилди. Унинг ёрдамида 4- ва 5-цехлардан чиқадиган аммиак атрофга тарқатилмайдиган бўлди. Эндиликда улар ушлаб қолинади. Унинг бир кунлик ҳажми ўртача 180 килограмми ташкил этмоқда. Тежаб қилинган бундай «чиқинди» қайта фойдаланмоқда. Бу анчагина маблағни тежаш имконини ҳам берапти.

Бундан ташқари, худди шу цехларнинг сорбиция бўлинуларида чиқадиган ва таркибда оз микдорда аммиак моддаси ва нитрогли газлар бўлган чиқинди суюқликлар махсус қурилмада қайта ишланиб, тозаланмоқда.

Цехимизга қарашли чиқиндилар жамлаш хўжалиги ҳам катта наф бермоқда. Бу ерда тўпланган ишлаб чиқариш чиқиндилари қайта ишланмоқда. Улардан фойдаланиш мумкин бўлган моддалар ақратиб олинган. Жумладан, таркибда вольфрам ва молибден моддалари бўлган суюқ ва қаттиқ ҳолатдаги чиқиндиларга шундай ишлов берилмоқда. Улар ақратиб олиниб тайёр маҳсулотга айлантириляпти.

Корхонамизда табиатни муҳофаза қилиш ишлари бундан бундан ҳам давом этади. Чунки бу соҳада ҳал қилиниши лозим бўлган қатор муаммолар бор.

Валентина ЕРМОЛАЕВА,
комбинат табиатни
муҳофаза қилиш бўлими
бошлигининг ўринбосари.

ҲУҚУҚИЙ
БИЛИМЛАР
ЧУҚУРЛАШАДИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси жойлардаги ўз нозирларининг малакасини ошириш, уларнинг табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги бўйича билимларини чуқурлаштириш ҳамда бу қонунларни бузганлик учун жазо чоралари меёрларини тўғри қўланиш бўйича малакасини оширишга катта эътибор бермоқда. Қўмита табиатни муҳофаза қилиш нозирлар таркиби ҳуқуқий малакасини ошириш бўйича қатор машғулотларни ташкил этишга киришди. Уларнинг республика прокурорлиги, адлия вазирлиги, табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг етук мутахассислари, ҳуқуқшунос олимлар, олий ўқув юрталарининг шу фан бўйича ўқитувчилари олиб борадилар. Бундай машғулотларда тингловчилар фақат экологик қонунчилик асосларининггина ўзлаштирамай, шу билан бирга уни қўллашнинг амалий кўникмаларини оладилар, таҳлиллар ўтказишади, тажрибаларини ўртоқлашадилар, амалий машғулотларда қатнашадилар. Бундай машғулотларга корхоналар, хўжаликлар, ташкилотлар раҳбарлари ва табиатни муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи мутахассислари ҳам қатнашишга тақлиф этиладилар.

М. САРИЕВ.

ЖАРИМЛА ... ШАХСИЙ
ҲАМЁНДАН

КЕЙИНГИ йилларда турли хил қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилиш, уларга зарар келтирадиган ҳашоратларга қарши курашда биологик усулларни қўллашга эътибор кучаймоқда. Айни вақтда захарли кимёвий моддалардан фойдаланиш камаймоқда. Ҳозирги даврга келиб долзарб бўлиб қолган табиатни муҳофаза қилиш, экологик аҳволни яхшилаш ва соф маҳсулот етиштириш вазифаси шуни тақозо этмоқда.

Тўғри, ҳали биологик усулга ҳамма жойда ҳам тўла ўтилгани йўқ. Лекин, шу вақтгача ишлатиб келинган ва жойларда экологик аҳволни ёмонлаштиришга олиб келган айрим захарли кимёвий моддаларни ишлатиш ман этиб қўйилди. Шундай моддаларнинг бири тиодан пестицидир. Уни деҳқончиликнинг ҳамма тармоқларида ишлатиш мумкин эмас.

Лекин, шунга қарамай айрим хўжаликларда бу тартибга риоя қилинмаяпти. Қуйичирчиқ тумани табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси нозирлари текшириш ўтказишганда М. Отажонов номли деҳқончилик фирмасида шундай номаъқулчиликка дуч келдилар. Бунга фирма агрономи-энтимологи И. Пўлатов рухсат берганлиги маълум бўлди. Ваҳоланки, у ўз вазифаси бўйича бунга йўл қўймаслиги, унинг олдини олиши керак эди.

Энтимологнинг рухсати билан эллик килограмм микдордаги таъқиқланган шундай захарли кимёвий модда дарахларнинг зараркундаларига қарши курашда ишлатилган. Бу, албатта, ўзбошимчалик, қолаверса бепарқликдан бошқа нарса эмас. Унинг бу иши ўзига ҳам қимматга тушди. Табиатни муҳофаза қилиш нозирларининг талаби билан шахсий ҳамёнидан бир минг бир юз сўм жарима тўлашга мажбур бўлди. Начора, қилмиш-қидирмиш, деб шунга айтилса керак-да.

Собир ҲАМИДОВ.



● Арзон ва самарали усул ● Истаган имкон топар

ТРИХОГРАММА, ХАБРАБРАКОН ВА БОШҚАЛАР

БЕКОБОДДАГИ хўжаликларро биологик фабрика бир неча йилдан бери самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг кичик жамоаси қишлоқ хўжалик экинларининг, айниқса, пахтанинг турли хил зараркунандаларига қарши курашда қўлланиладиган фойдали ҳашаротларни етиштириш билан шуғулланмоқда.

Бу хайрли иш натижаси жуда самарали бўлаяпти. Туман хўжаликлариди турли хил захарли кимёвий моддаларни ишлатиш камайиб бормоқда. Бу атроф муҳит мусаффолигини таъминлашда, биологик соф маҳсулотлар етиштиришда ниҳоятда қўл келаяпти. Шунинг учун ҳам жамоанинг бу ибратли ишидан туман меҳнаткашлари миннатдор бўлмоқдалар.

Фабрика республикамизда биринчилар қаторида ташкил этилган эди. Ун уч йилдан ортиқ вақтдан бери тўла қувват билан ишлаб келмоқда. Ҳар йили қўллаб фойдали ҳашаротлар етиштиряпти. Ҳозирги кунга келиб фабрика таркибиди 2 та трихограмма етиштирувчи цех, битта марказий хабрабракон етиштириш цехи ишлаб турипти. Бундан ташқари, «Галаба» ва «Ўзбекистон» жамоа хўжаликлариди бу корхонага қарашли 2 та хабрабракон цехи маҳсулот бермоқда.

Фабриканинг ишга туширилиши билан унинг маҳсулотларига талаб йил сайин ортиб бормоқда. Эндиликда корхона жамоаси фақат Бекобод тумани деҳқонларининггина эмас, айни вақтда қатор бошқа мижозларнинг буюртмаларини ҳам бажармоқда. Бу ерда етиштирилган турли хил фойдали ҳашаротлар вилотимиздаги қатор хўжаликларга ҳам етказиб берилмоқда. Айни вақтда улардан Тожикистон Республикасида ҳам фойдаланишяпти. Биргина ўтган йили трихограмма, хабрабракон ва бошқа шу каби фойдали ҳашаротлар Ховос туманининг «Шири» ва «Фарход» жамоа хўжаликларни, Бобўт туманининг қатор хўжаликларига, Тожикистон Республикасининг Матчоҳ туманидаги Оржоникидзе номли жамоа хўжалигига, вилотимиздаги Бўқа ва Охангарон туманлари хўжаликларига етказиб берилди.

Фабрикада фақат пахта зараркунандаларига қарши ишлатиладиган фойдали ҳашаротларни етиштириш билан чеklangани йўқ. Айни вақтда олма қуртига ва қатор бошқа сабзавотлар ҳамда меваларни биологик муҳофаза қилишга мўлжалланган ҳашаротларни ҳам етиштиряпти. Бу ишда фабрикага бош-қош бўлиб келаятган Усмон ака Исабоев, ишчи-хизматчилардан Икром Эгамназаров, Бердикул Искандаров, Ўқтам Бердиев, Насиба Аҳмедова, Шукурали Бургутбоев, Манзура Ашрапова, Саломат Ҳидироваларнинг хизматлари катта. Улар сидқидилдан ишлаб, зиммаларидаги вазифани шараф билан урдалашяпти. Самарали меҳнатлари эса муносиб тақдирланмоқда. Олаётган маошлари ой сайин ортиб бормоқда. Ўртача иш ҳақи 2,5-3 минг сўмни ташкил этапти.

Фабрика жамоасига бирлашган бундай меҳнатсеварлар ўтган йили ҳам самарали ишладилар. Режага мувофиқ йил давомида 8 миллионга хабрабракон етиштириш керак эди. Амалда эса у ярим миллион ортиги билан бажарилди. Режадаги 80 килограмм ўрнига 103 килограмм трихограмма тайёрланди. Бу маҳсулотлар-

нинг асосий қисмидан Бекобод тумани хўжаликлариди фойдаланилди. Фойдали ҳашаротларни етиштириш учун 18 тонна арпа ишлатилди. Ҳар тонна арпа ҳисобидан олинган фойдали ситотрог ҳашароти уруғи 9 килограммни ташкил этди. Бу эса яхши кўрсаткичдир.

Вилотимиздаги бошқа биологик фабрикалар қатори бу ерда етиштирилаётган фойдали ҳашаротларнинг катта аҳамиятга эга эканлигини ҳамма бирдек тан олади. Лекин нима учундир сўнгги йилларда уларга эътибор сусайиб кетди. Бунинг оқибатиди фабрикаларни турли хил озуқа маҳсулотлари билан таъминлаш издан чиқди. Натижада қатор фабрикалар ишни тўхтатишга мажбур бўлдилар. Бундай лоқайдлик Бекобод биологик фабрикаси жамоаси фаолиятига ҳам салбий таъсир қилмай қолмади. Чунки, жамоа бир маромда ишлаш учун қатор қийинчиликларни бартараф этишга мажбур бўлмоқда. Маблағ йўқлиги туфайли турли хил озуқалар, жумладан, шакар, маргарин ва бошқа шу каби маҳсулотларни сотиб олишда қийинчиликларга дуч келинмоқда. Чунки фойдали ҳашаротларни сотиб олган хўжаликлар унинг ҳақини вақтда тўламаяпти. Биргина ўтган йили корхонанинг дебитор қарзи 5 миллион сўмдан ҳам ошиб кетди. Лоқал бу маблағнинг бир қисми тушганида ҳам ишни анча жонлантириш мумкин бўлар эди.

Маблағнинг етишмаслиги оқибатиди айрим фойдали ҳашаротларни етиштиришни тўхтатиб қўйишга мажбур бўлинди. Жумладан, олтинкўз фойдали ҳашаротни етиштирувчи цех икки йилдан бери ишламаяпти.

Фабрикадаги аксарият асбоб-ускуналар ниҳоятда эскириб қолди. Масалан, трихограмма етиштирувчи линиялар шундай аҳволда. Улар тез-тез бузилиб туради. Тузатиш учун қўшимча маблағлар сарфланмоқда. Айрим қисмларни топиш қийин бўлаяпти. Шундай бўлгач, уларни алмаштириш вақти келди. Лекин маблағнинг йўқлиги бунга имкон бермаяпти. Бу ишга масъулиятли бўлган айрим идоралар у билан қизиқмаяптилар. Корхонага ёрдам беришни ҳаёлларига келтиришмаяпти. Ваҳоланки, фабрика жамоаси шундай ёрдамга муҳтож. Буни; аввало, қишлоқ хўжалик манфаатлари тақозо этаётганлигини тушуниш лозим. Бу турли хил қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши кураш ҳарajatларини камайитиришга олиб келишдан ташқари экологик жиҳатдан фойдали эканлигини эсдан чиқармаслик лозим. Пировард натижада эса халқимиз саломатлиги билан боғлиқ. Шунинг учун бу ишга маблағни аямаслик лозим. Чунки, сарфланган ҳар бир сўм бир неча баравар кўп наф бериши амалда исботланган.

Қодирхон МАВЛОНОВ,
Бекобод минтақавий табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг етакчи мутахассиси.



Ўғам — Чотқол кўриқ-хонасининг катта нозири Э. Туронбоев назорат тафтиши жойида доим сергак бўлиб туради.

Владимир Гранкин олган сурат.

ҲАФСАЛА БЎЛМАСА... БИР ПУЛ

ТОШКЕНТ туманида катта-кичик ўлаб корхоналар ишлаб турибди. Уларнинг жамоалари республикамиз халқ хўжалигининг турли тармоқлари эҳтиёжлари, шунингдек, истеъмол бозори учун қўллаб ҳар хил маҳсулотлар етказиб бермоқда. Бу корхоналар айни вақтда табиатга зарар келтирувчи манбалар ҳам ҳисобланишади. Уларда атроф-муҳит мусаффолигини, ҳудудларида экологик ҳолатни яхшилаш учун қандай тадбирлар амалга оширилмоқда? Туман табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси давлат нозири Аёзжон ИНОҒОМОВ бу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди:

— Вазифамиз юзасидан барча саноат корхоналари, қурилиш-транспорт ташкилотлари ва муассасаларда бўлиб турадим. Экологик аҳволни текширадим. Айримларида табиатни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган тадбирлар вақтда амалга ошириляётганлиги, экологик аҳвол яхшиланаётганлигини кўриб хурсанд бўласан, киши. Бунинг учун маблағ ҳам топишади. Бундан аввало, шу жамоаларнинг ўзлари наф кўрадилар. Иш жойларида экологик ҳолат яхши бўлса, ер, ҳаво тоза бўлса, кўкат кўп бўлса бу шубҳасиз ишчи-хизматчиларнинг саломатлигига ижобий таъсир қилади. Бу ишнинг мазмуни, моҳияти ҳам биринчи навбатда шу мақсадга қаратилгандир. Қатор корхона-ташкilotлар маъмуриятлари ва жамоат ташкilotлари экологик ҳолатни яхшилаш масаласига жиддий эътибор беришяпти. Келес газлаштириш, жунга дастлабки ишлов бериш

ва бошқа корхоналарда атроф-муҳит мусаффолигини яхшилашга қаратилган тадбирлар мунтазам амалга оширилмоқда. Уларнинг ишлаб чиқариш бўлинмаларида доим саранжом-саришпаллик кўзга ташланади. Ҳудудлари ободонлаштирилган ва кўхаламзорлаштирилган, гулзорлар барпо этилган.

Лекин, ҳамма жойда ҳам шундай эмас-да. Ҳозирги вақтинчалик иқтисодий қийинчиликлар, маблағ етишмасганлигини рўқач қилиб, табиатни муҳофаза қилиш ишлари билан старли шуғулланилмаётган корхона-ташкilotлар ҳам бор. «Қизилтепагеология» автокорхонаси, Келес йўловчилар ташиш автокорхонаси, «Ҳаёт» фирмаси ва бошқалар шулар жумласидандир. Уларда таркиб топган экологик аҳвол ниҳоятда қониқарсиздир.

Бу корхоналар ҳудудларида умуман тартиб йўқ. Доим турли-туман чиқиндилар — темир-терсақлар, супуриндилар, чиқиндилар тўпланиб ётади. Автомашиналарни экологик тоза ёқилги — та-

бий газга ўтказиш билан ҳеч ким қизиқмайди. Транспорт воситаларининг анчагина қисми ҳавога захарли тутун ва қурумларни меёрдагидан анча кўп чиқаради. Улардан тўкилган ёнилги ва мойлаш материаллари ҳудудларни ифлос қилиб юборган. Бу ҳаммаси табиатга зарар келтирмоқда.


Бундай камчиликлар бир неча йилдан бери давом этиб келмоқда. Улар кўрсатилганда корхоналар раҳбарлари камчиликларни тан оладилар ва бартараф этиш учун чоралар кўришга ваъда берадилар. Лекин, доим ҳам ўз сўзларини устидан чиқарганлари йўқ. Ҳатто белгиланган яхшигина тадбирлар ҳам вақтда амалга оширилмайди, кўпчилиги қоғозда қолиб кетади. Бу корхоналарда маблағ ҳам старли, бор. Лекин, ачинарлиси шундаки, ундан аниқ мақсадни кўзлаб фойдаланишга ҳаракат қилинмайди. Бунинг учун ҳафсала, истак етишмайди. Энг катта иллат ҳам худди шунда. Табиатни муҳофаза қилишдек муҳим ишга қолдиқ принципи асосида муносабатда бўлишга хотима бериш вақти келди. Юқорида номлари тилга олинган ва атроф-муҳитни кўп даражада ифлослантиряётган корхона-ташкilotлар раҳбарлари буни тушуниб олишларини истар эдик.

БИР ХЎТЛАМ «БРУУК БОНД»...

...ичдингиз дейлик, сўнг, бундай хушхўр чойни бизга ким тақдим қилаётганини билиб олсак, унинг таъми янада ширин туюлади. Ҳозирги пайтда Чиноз ёки Ангрен ёхуд Бекобод шаҳарлари бозорида «Бруук бонд»ни харидорлар севиб сотиб олаётганини кўриш мумкин. Ҳиндистоннинг

машҳур чойини бизга Ҳидоятullo Қодирий етакчилик қилаётган «Баҳор савдо» фирмаси етказиб бермоқда. Бу йилдан эътиборан, Худо хоҳласа, «Баҳор савдо» Ҳиндистоннинг «Бруук бонд» фирмаси билан алоқани янада мустаҳкамлаб Ўзбекистонда қўшма корхона ташкил қилиш ва унда «Баҳор» номли сифатли қора чой ишлаб чиқаришни режалаштирган.

Тўлқин ИБРОҲИМОВ.



• Ҳар соҳадан бир шингил

• Билиб қўйган яхши

ҲАММАСИ СУТ ҲАҚИДА

• Қадимги файласуфлар сутни «соғлиқ манбаи», «ҳаёт шарбати», «оқ қон» деб бекор айтмаганлар. Сут бебаҳо, тўйимлилиги жиҳатидан ҳар қандай озиқ-овқат маҳсулотининг ўрнини боса олади, аммо ҳеч қандай маҳсулот сут ўрнини эгаллай олмайди.

• Олимларнинг аниқлашларича, сут таркибида тирик организмнинг ўсиши ва ривожланиши учун жуда зарур бўлган оқсил, мой, минерал тузлар, дармондори, шакар, турли хил ферментлар каби 160 хилдан ошиқ модда бор. Сутдаги оқсил ва мойлар енгил ҳазм бўлади.

• И. П. Павлов ўзининг физиологияга оид тажрибаларида аниқлашчи, сут ҳазм бўлаётганида «ошқозон шираси жуда суст ажралади». Демак, ошқозон сутни енгил ҳазм қилади, бошқа ҳар қандай овқатга қараганда анча енгил синдиради.

• Қадимги Миср, Рим ва Греция ҳақимлари ҳар хил касалларни даволаш учун сутни тавсия этишган. Масалан, Гиппократнинг фикрича, эчки ва бия сутти силга, сигир сутти — бод ва қонсизликка, эшак сутти эса кўп касалларга даво ҳисобланади. У асабий кишиларга ҳам сут ичишни тавсия этган. Эшак сутти таркиби ва ҳоссалари жиҳатидан аёл сутидан деярли фарқ қилмас экан, бинобарин уни эмизикли болаларга бериш мумкин, деб ҳисоблайдилар Гиппократ ва Абу Али ибн Сино.

• Машҳур табиб Абу Али ибн Синонинг кўрсатишича, сут ва сут маҳсулотлари болалар учун ва кекса ёшдагилар учун энг яхши овқат ҳисобланади. У айниқса, эчки ва эшак сутини фойдали деб ҳисоблаган ва уни туз ва асал қўшиб истеъмол этишни тавсия этган.

• Юрак, ўпка, жигар, ошқозон-ичак ва ёғ босиб кетиш касалликлари билан хасталанганлар ёғи олинган сут билан муваффақиятли даволанади.

• Оғир металл тузлари, кислота ва ишқорлар билан, йод ва бром билан захарланганларни даволашда сут яхши ёрдам беради. У одам захарланиши биланок, дарҳол бир соатдан кечиктирмай қўлланса, айниқса, самарали бўлади.

• Сутда аллергия касалига қарши таъсир кўрсатадиган хусусиятлар бор, шу боисдан экзема, астма билан оғриган кишиларга сут ичиш тавсия қилинади.

• Кўй сутти доволиги жиҳатидан эчки сутига ўхшашдир. Кўй сутининг қон туфлаш касалини даволашда ҳам фойдаси катта. У билан оғизни чайқаш ва гар-гара қилиш томоқ оғриги, томоқ шиши, тилчанинг ва бодомсимон безлар касалликларига қарши курашда наф беради.

• Сигир сутида болалар ва катталар организм ривожланиши учун керак бўлган моддалар ва дармондорилар кўп (сут шакари, биотин, В, В2, В3, В12, В13, РР ва бошқалар). Бия сутти таркибида қуруқ модда кам, аммо сут шакари сигирникига нисбатан кўп бўлади. Сутининг ёғи оз, лекин дармондориларга анча бой бўлади. Оқсил фракциялари ва лактоза миқдори нисбатига қараганда бия сутти аёл сутига яқин туради. Кўкрак ёшидаги болаларни бия сутти билан боқиб жуда яхши натижалар олингани маълум. Туя сутти астма ва нафас қисисига фойда қилади.

• Олимларнинг фикрича, одамга бир кеча-кундузда тахминан қўйидагича миқдорда сут маҳсулоти истеъмол этиш фойдали: 500 грамм сут, 15 грамм сариг ёғ, 18 грамм пишлок, 20 грамм творог, 18 грамм сметана (қаймоқ), 8 грамм қўлтирилган сут, 3 грамм қуруқ сут. Сутга айлантириб ҳисоблаганда эса, бу жами 1430 граммни ташкил этади.

• Тиббиёт нормаларига кўра, кекса кишиларнинг овқатдаги сутхалик оқсил миқдорининг хамида учдан бир қисми сут, сузма, пишлок оқсилдан иборат бўлиши керак. Хомилдор ва эмизикли аёлларнинг овқатида ҳар куни, бошқа сут маҳсулотларидан ташқари, бир литрча сут бўлиши тавсия қилинади.

• Сут касб касаллигининг олдини олиш учун энг яхши восита ҳисобланади.

Тўпловчи: Сапар МУҲАММАДИЕВ.

АРНАСОЙ ва Хайдар кўлларининг поёнсиз мовий сувлари кеч кузнинг майин шабадасида ажиб мавжланади. Бу сув омборлари кўп қисмининг чуқурлиги уч-беш метр. Кушлар дунёси ҳам бой. Унинг юзида сувда сузувчи паррандаларнинг ўнлаб турини қишин-ёзин учратиш мумкин. Ёввойи ғозлар, ўрдақлар, чағалайлар, оқ қушлар, сақоқушлар, қорабузовлар каби паррандалар бу ерда минглаб тўпланади. Улар бу кўлларда бой балиқ захираларини танаввул қилиб, куч йиғиб бошқа юртларга учиб кетадилар...

Моторли қайғимиз катта кўлнинг юзидан со-

кин сузиб бораёпти. Қирғоқдан узоқлашган сари чағалайларнинг қичқириклари тобора кучли эшитиларди. Узоқларда қора нуқталар кўзга ташланарди. Йирик денгиз чағалайларни қайд қилиб таш-

Овчи ён дафтаридан

лардан учиб келишган эди.

Биз бу ҳолатни кузата бошладик. Ўнлаб оқ-қуларанг йирик чағалайлар

лашарди. Чағалайларнинг мақсади ҳам шу эди. Қайд қилиб ташланган тайёр емишларни дарҳол илиб кетардилар. Бундай ғайритабиий воқеага биринчи марта дуч келганимиз учун ҳам уни зерикмай кузатдик. Шу ерда чағалайларнинг бизга номаълум бўлган бу хийласини кўрдик. Ҳа, табиатнинг хали биз билмаган сирлари тўлиб-тошиб ётганлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

М. МАҲМУТОВ,
«Ўзбекиқлиқтутуш-уюшмаси»нинг фахрий аъзоси.

ЧАҒАЛАЙЛАРНИНГ «ХИЙЛАСИ»

лайлари улар устида парвоз қилишар ва ўқдек пастга ташланишарди. Қайғимиз бу жойга яқинлашгач қора нуқталар шўнғувчи йирик ўрдақлар эканлиги маълум бўлди. Улар шимолдаги денгиз-

юқорига кўтарилиб, тошдек пастга шўнғишар ва ўрдақларга хужум қилишарди. Ўрдақлар кўрққанидан чалқанча бўлиб олишар ва сал олдинроқ истеъмол қилган балиқларни қайд қилиб таш-

километр тезликда учади, лекин улар таққослаб бўлмас даражада кичикдир.

Пингвин эса жаҳонда энг тез сузувчи ҳисобланади. У соатига 35 километр тезлик билан узоқ масофани босиб ўтаолади, ҳатто сут эмизувчилар орасида сузиш бўйича чемпион ҳисобланган дельфинлар ҳам узоқ масофага бундай тезликда суза олмайдилар.

Чойни қанд-шакарсиз ичинг

Чойнинг тетиклаштирувчи сифати ҳаммага маълум. Лекин, аччиқ дамланган чойни кўплаб ичишнинг зарари борлигини ҳам унутмаслик керак. Бу юрак аритмиясига ва қон босимининг кўтарилишига олиб келади. Чойни қанд-шакарсиз ичиш фойдалидир, чунки бундай ширинликлар янги дамланган чойга солинса, унинг таркибидаги танинни бузади.

АКУЛА... САРАТОННИ ДАВОЛАЙДИ

АМЕРИКАЛИК онколог Жон Геллер акула хужум қилган инсон жароҳатида ҳеч қандай бактериялар умуман бўлмаслигини аниқлади. Бунинг сабабини билишга қизиқиб қолган тадқиқотчи акулага саратон касалини юқтириш учун қанча уринмасин ҳеч қандай натижага эришаолмади. Маълум бўлишича акула балиқларида турли касалликларни, хусусан саратонни келтириб чиқарувчи бактериялардан химоя қилувчи қандайдир номаълум модда борга ўхшайди. Бу ҳолатни тадқиқот қилиш давом этмоқда. Эҳтимол, бир неча йилдан кейин олимлар акула ёрдамида саратон касалидан ҳалос этувчи «зардобни» амалда топиб қолишлари мумкин.

400 ЙИЛДАН БЕРИ ТЕБРАНИБ ТУРАДИ

ЭРОННИНГ қадимги маданият марказларидан бири бўлган Исфаҳондаги Жонба масжидининг икки-та минораси бўлиб, улар сайёҳларга ниҳоятда машҳур. Ҳар бир киши истаса шу минораларнинг бири устига чиқиб, уни тебратиши мумкин. Биринчиси тебратилса бас, иккинчиси ҳам шунга монанд тебранаваради. Мана 400 йилдан бери миноралар ҳар куни бирнеча марта тақдорланадиган шундай синовга дуч келади ва унга чидади. Бу ғаройиб лойиҳанинг муаллифи Шайх Бахайс бўлиб, бу меъмор 1537 йилда ҳозирги Сурия ҳудудида таваллуд топган.

ЖОНЛИ ТОШЛАР

ШУНДАЙ тошларнинг ғаройиб нусхаларини АҚШдаги миллий «Улим водийси»да (Калифорния штати) қўриш мумкин. Бу тошлар суви қуриб қолган кўлнинг кумли юзида уз-ўзидан жойини ўзгартириб, орқасида аниқ из қолдиради. Ёгингарчилик даврларида — эрта баҳор ва кузда фаол кўчиб юради.

Шундай пайтда бу ерга кўплаб сайёҳлар тўпланадилар ва тошларнинг ғайри табиий ҳаракатларини кузатадилар. Бу тошлар орқаларидан юмшоқ кум юзасида турли-туман шаклдаги тартибсиз из қолдиради. Кўплаб чағиртошлар, катта-кичик юмалоқ тошлар ҳаракатга келади. Тошлар жойини фаол алмаштираётган вақтда ўлик қўлга тушиш катъий ман қилинади, чунки ботқоқлик сингари билкиллама кўмлар ҳар қандай нарсани ўз қаърига тортиб кетиши мумкин.

Улим водийсидаги тошларнинг бундай ғайритабиий хусусиятларини илмий тушуниришга бўлган уринишлар ҳозирча ҳеч қандай натижа бермаяпти. Ёмғир ёғиши натижасида кум орасида ҳосил бўладиган сув қатламлари, балки қандайдир тектоник куч ёки шамол бунинг сабабчилари бўлмоқда деган фикрлар ишонарли эмас. Бу тошлар муайян нуқтага қараб ҳаракат қилишини ҳеч қим тушунириб бера олмайди. Уларни ўраб олган кум ҳаракатсиз туради. Тошларнинг қолдирган изи буни кўрсатади, бу изларни сокин ҳавода бир ярим километр масофадан қўриш мумкин, деб ёзади Америкада нашр этиладиган «Мичиган инквизири» газетаси.

САРОБДАН ПУЛ ИШЛАМОҚДАЛАР

ТОЯМА префектураси чеккада жойлашган бўлиб, унда сайёҳлар томоша қилиши учун уларни қизиқтирадиган ҳеч нарса йўқ эди. Бу қўлтиқда япон оролларининг бошқа қирғоқ бўйларига нисбатан сароб тез-тез бўлиб туради. Соҳил бўйида жойлашган Уодзу кўргони ҳокимла-

ри шу саробдан пул топишга қарор қилдилар. Бунинг учун махсус компания ташкил этилди ва у сайёҳларни табиатнинг бу ноёб хусусиятини кузатишга тарғиб қилиш билан шуғулланмоқда. Об-ҳавочилар бу қўлтиқ денгиз сатҳида сароб қачон пайдо бўлишининг қуни ва соатларини аниқ айтиб берадилар.

Сароб қандай пайдо бўлади? У денгизнинг устки қатлами билан ҳаво оқими уртасидаги ҳароратнинг фарқи натижасида юзага келади. Узоқ йиллик кузатишлар шуни кўрсатдики, сароб кўпинча атмосфера ҳарорати сув сатҳи ҳароратидан 10 даража юқори ҳамда иклим илиқ ва намли бўлса ҳо-




сил бўлади. Уодзуда бундай ҳолат тез-тез тақрорланиб туради, деб ёзилади «Труд» газетасида.

ЭНГ ЧОПҚИР, САКРОВЧИ, СУЗУВЧИ...

САКРАШГА келганда ҳайвонот оламидаги бирорта ҳам жонивор кенгурга тенг кела олмайди. Вазни бир центнер атрофида бўлган бу ҳайвон уч метрли деворлар устидан беамалол сакраб ўтади. Бироқ бурга ҳам бу соҳада зўр ҳисобланади. У 33 сантиметр баландликкача сакрай олади. Агар бу кўрсаткич унинг гавдасига нисбатан 350 баравар узунлиги ҳисобга олинса, чакки эмас.

Чивинларнинг бир тури энг тез ҳаракат қилувчи ҳисобланади. У ўз қанотларини бир дақиқада 133 минг марта ҳаракатлантиради.

Югур иш бўйича биринчи туяқуш ҳисобланади. У ўзининг 120 килограмм гавдаси билан соатига 50 километр тезликда чопади. Тўғри, айрим жарқалдирочлари соатига 160



• Дастурхон кўрки.

«Шабнат ва инсон» саҳифалари мақолаларини Тошкент вилояти табиатини муҳофаза қилиш қўмитаси ва «Тошкент ҳақиқати» хабарлари ташкил қилди.



ЙИЛДАҲ ЙИЛНИҲТ ФАРҚИ БОР

ДЕҲҚОН дегани қаттиқ ташвишда эди. Негаки, қиш доводан ўтиб, тўқсон яримлаб қолган бўлса ҳам ҳамон қор ва совуқдан дарак йўқ эди. Хайрият, ҳаммаёқни оқ кўрпага ўраб қор тушди, совуқ қаҳри забтига ола бошлади. Ана шундай кезларда Пискентдаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги раиси Мирзаали Халиловни хўжалиқнинг техника саройида бош муҳандис Дилмурод Аширматов билан устахона мудирини Йўлдош Суноновни ёнига олиб, тракторлар таъмирини диққат билан кўздан кечириётган пайтида учратдик.

Сарой бостирмасида барча қишлоқ хўжалик машиналари тартиб билан қатор қилиб қўйилган, ўндан ортиқ таъмирчилар уларни созлаш билан банд эди.

— 9 та ҳайдов тракторларидан еттитаси, 20 та сеялка ва 32та культиваторларни созлаб, тайёрлаб қўйдик, — деди Мирзаали Халилов. — Аммо, бу йилги таъмирлаш ишлари жуда ҳам қийин кечяпти. Эҳтиёт қисмлар дегани топилмас матоҳга айланиб қолди. Минг ёққа югуриб таниш-билиш қилиб топшига мажбур бўляпмиз. Масалан, Т-28 тракторлари учун 6 та, МТЗ тракторларига 11 та двигател сув билан ҳаводек зарур бўлиб турганди. Йўқни йўндириб бўлмагани сабабли эски двигателларни Андижондаги таъмирлаш заводига элтиб бердик. Эски ўз номи билан эски-да, аъло даражада созлангани билан кўп ўтмай қусури чиқади. Айни экин-тикин қизиган пайтда «аттанг» деб қолишимиз ҳеч гапмас. Буни ўтган йили хўб бошимиздан кечириб, зада бўлиб қолганмиз, ука...

Сухбат мавзуйи айланиб, ўтган йил якунлари ва бу йилги ишларга келиб тақалди.

— Хўжалигимиз ҳар йили ҳам барча соҳалар бўйича режаларни ошириб бажаряпти, — деди раис гапида давом этиб. — Айниқса, асосий экин пахта ва галлага зўр беряпмиз. Ўтган йили 1385 гектар ердан 3530 тонна пахта топширдик. Ҳосилдорлик 25,3 центнерга етди. Рустам Сайдахмедов, Тоштемир Акбаров, Жамолдин

Ражабов бошлиқ бригадалар эса гектар бошига 31-36 центнердан хирмон кўтардилар. Бу бригадалар ҳар йилгидек бу йил ҳам баҳорги экиш ишларига олдиндан пухта тайёргарлик кўриб қўйишди. Чигит экиладиган барча майдонлар чуқур ҳайдалиб, ариқ ва зовурлар тозаланди, ҳар гектар ер ҳисобига дала бошига 15 тоннадан ўғит чиқариб, номбор қилиб қўйилди. Хўжалиқдаги барча бригадалар ҳам экиш-тиқиш ишларига тайёр. Хўжалик бўйича 1474 гектар майдон шудгордан чиқарилиб, ҳар гектар ерга 360 килограммдан фосфорли ва 250 килограммдан калий ўғитлар солинди. Бригадаларда минерал ўғитлар етарли миқдорда жамғариб қўйилган. Қуни кеча Олмалиқдаги «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмасидан яна 40 тонна фосфорли ўғит олиб келинди. Булардан ташқари Кучлик станциясидан ҳам азотли ўғитлар пешма-пеш ташиб келтириляпти.

Галла жамоа хўжалиги учун янги экин ҳисобланса ҳам деҳқонлар икки-уч йилда мўл ҳосил етиштиришининг йўл-йўриқларини ўрганиб олишди. Улар ўтган йили 780 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 29,3 центнердан ҳосил етиштирган ва 2200 тонна хирмон кўтарган эдилар. Давлат омборига 1558 тонна «Серҳосил» ва «Қилтиқсиз» навли бугдой етказиб берилди.

— Ҳар иккала навнинг кадрли томони шундаки, майсаси қиш совуқларига чидамли, 240 кунда ўрмга келади ва серҳосил. Бошқоқлари узун, дони салмоқли, минг донаси 45 граммгача тош босади. Дони

новвойликда кучли ва қимматли ҳисобланади, — дейди Мирзаали Халилов. — Шу сабабли кузда 730 гектар майдонга ўзимиз тайёрлаб қўйган ана шундай навли бугдой уруғларини эдик. Булардан ташқари бироз майдонларга синаб кўриш мақсадида янгилик ҳисобланган «Юна» ва «Скифянка» навларидан ҳам 10 тонна уруғликни сочганмиз. Ҳозир барча галлазорларда экин бир текис майса бўлган. Қишининг дастлабки оғи қуруқ келгани сабабли ҳар гектар ерга 200 килограммдан аммофос бериб, микроэлемтил сугордик.

Хўжалик бошқаруви галлазорларни оилавий пудратчиларга бўлиб бериб янгилашмаяпти. Тузилган шартнома асосида режани бажар-

«Яқун ва таҳлил»

ган галлакорлар топшириқдан ташқари кўтарган хирмонларига ўзлари эгаллик қилаётганлари, бошқача айтганда моддий рағбатга эга бўлаётгани ҳам уларни кўпроқ меҳнат қилишга ундаётди. Хўжалиқда дончиликка-ихтисослашган кўплаб тажрибали галлакорларнинг етишиб чиқаётгани сабаби ҳам ана шунда. Раҳим Тожибоев, Зокир Жўраев, Ҳасан Чўлпонов каби пудратчилар ана шулар жумласидан. Уларнинг ҳар бири оила аъзолари билан 10 гектардан дон экилган майдонларни ижарага олиб, экиннинг сувидан, озукаси ва парваришидан вақтида бохабар бўлиб, ҳар гектар ердан 50-51 центнердан хирмон кўтаришди. Улар бу йил ҳам 10 гектардан галлазорларга эгаллик қилишяпти. Мақсад эса ҳосилдорликни камиди 55 центнерга етказишдир.

Хўжалиқда ана шундай 113 нафар пешқадам галлакорлар бор. Уларнинг ҳалол меҳнати зое кетмаяпти. Тузилган шартнома асосида 1-1,5 тоннадан бугдой олиб,

дмборларига тўқиб қўйишган. Умуман, хўжалик бошқаруви ўтган йили 400 тоннадан кўпроқ ҳосилни меҳнат ҳақи сифатида деҳқонларга бўлиб берди.

Хўжалик бошқаруви галла парваришига зўр берибгина қолмай далаларга чорва моллари тушиши ва пайҳон қилишидан сақлаш учун аҳоли ўртасида ташвиқот ва тарғибот ишларини изчил олиб борапти. Тўрт жойда назорат постлари ташкил этилди. Ҳар бир ижарачи ўз экин майдони учун масъул қилиб қўйилди. Улар топширилган бу вазифани сидқидилдан бажармоқдалар. Шу пайтгача далага бирор-та мол-хол ораламагани, экин янги сақланаётгани, пудратчиларнинг ўз меҳнати натижаларига онгли муносабатда бўлиб, асосий ризқнасиба ҳисобланган мўл галла ҳосили учун самарали меҳнат қилаётгани натижаси бўляпти.

... Хўжалик раиси билан суҳбатимиз техника саройида таъмирчилар учун эзилган пешинги дастурхон атрофида давом этди.

— Таъмирчиларга барча шароитларни яратиб берганмиз, — деб гапида давом этди Мирзаали Халилов. — Шу ернинг ўзида ҳар кунни бепул иссиқ овқат тайёрляпмиз. Шундан бери кишилар тушлик учун уйларига қатнашни бас қилишди. Режалар бажарилиб тургандан кейин анча бойиб ҳам қолдик. Энди орзу-ҳавасларимизни қилсак ҳам бўлавереди.

Дарҳақиқат, жамоа хўжалигининг бели иқтисодий жиҳатдан анча бақувват бўлиб қолган. Ўтган йили пахтачилик соҳасининг ўзидан 41 миллион сўмдан кўпроқ даромад олинди. Режа ошириб бажарилгани сабабли 633 тонна пахта толасини хўжалиқнинг ўзи тасаруф қиладиган бўлди. Шунинг ўзидан 7 миллион сўм қўшимча даромад келади. Бундан ташқари, 1216 тонна чигитдан чиқадиган 400 тонна шелуха ва кунжара, 70 тонна ёғ ҳам хўжалик фойдасига қолади. Шу кунларда жамоа хўжалиги ҳисобида 4,2

миллион сўм нақд пул бор. Ўтган йили сарфланган ёнилги-мойлаш ҳамда ўғит ва бошқа зарур маҳсулотлар учун вақтида ҳисоб-китоб қилиб борилгани сабабли хўжалиқнинг бирор ташкилотдан қарзи қолмаган. Бошқа қўшни хўжалиқларда иш ҳақи ўрнига деҳқонларга шу ернинг ўзида етиштирилган дон, гуруч, ёғ ва бошқа маҳсулотлар берилаётган бир пайтда Алишер Навоий номли хўжалиқда кишиларнинг иш ҳақлари ой сайин нақд бериб борилди. Қишлоқ аҳолиси шунингдек рўзғори учун зарур бўлган маҳсулотлар билан ҳам етарли миқдорда таъминландилар.

Хўжалиқнинг иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлиб бораётгани қишлоқнинг иқтисодий инфраструктурасини ривожлантириш имконини ҳам берапти. Жумладан, Муротали, Халқберди қишлоқларидаги 450 хонадон табиий газдан тўла баҳраманд бўлган. Шу кунларда Қоровул ва Қўштепа қишлоқларига ҳам газ қувурлари тортилмоқда. Барча қишлоқлар ичимлик суви билан тўла таъминланди, 5 та тегирмон, тикувчилик ва дуррадорлик цехлари, маиший хизмат устахоналари аҳолига хизмат кўрсатяпти. Энг муҳими хўжалиқда беиш қолган киши йўқ. Даладан бўшаб чиққан деҳқон ва соҳибкорлар меҳнат биржаси ёрдамида янги касб ўрганиб, кичик корхона, устахона ва цехларда иш билан тўла таъминландилар.

— Даромадга қараб буромад деган маҳол бор халқимизда, — дейди Мирзаали Халилов. — Қишлоқларимизнинг обод бўлиб бораётгани, ҳамқишлоқларимизнинг тўқ ва фаровон ҳаёти — барча барчаси ислохотларнинг изчиллик билан амалга оширилаётгани натижасидир.

Ҳақ гап. Қаерда кишилар ҳалол меҳнат қилса, тадбиркорлик билан иш юритса, фақат фойданинг йўлини кўрса шу ерда турмуш ҳам енгиллашади. Алишер Навоий номли жамоа хўжалигида қишлоқ аҳолининг дастурхони мўлкўл ва тўқин бўлаётгани сабаби ҳам ана шундадир.

Рафиқ ТУРСУНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.

«АЛ-ҲАДИС»дан:

- «ОФИРЛИК ва ювошлик — инсоннинг ютуғидир. Уни тарқатишлик эса зиёнкорликдир».
- «ИЛМ ўрганиш ҳар бир мусулмон учун фарздир».
- «БИР БИРИНГИЗГА тўхмат ва бўхтон қилманглар!»
- «ОТАГА итоат қилиш — Аллоҳга итоат қилишдир. Унга гуноҳкор бўлиш Аллоҳ олдида гуноҳкор бўлиш билан баробардир».
- «ҒИЙБАТЧИ жаннатга кирмағайдир».

БАҚО • Янги шеърлар БЎСТОНИДА

ЧУ ЖОНИВОР

Ғилдираклар ғичирлайди, юклар зил-замбил, Аравани торта олмас бўлса от қибор. Ғардун аро тўлиб оксин, дарё бўлиб дил, Тортсанг энди тортақолгин, жоним бойчибор. Чу жонивор, чу жонивор, чу жонивор.

Туёғингдан ўт чақнасин, руҳинг қувватлик. Юклар эрур жаҳон ганжи, жаҳон интизор. Жаҳонларни бўстон этгай, муқаддас мардлик. Қамчингинам беҳудага бермасин озор, Чу жонивор, чу жонивор, чу жонивор.

Тафаккурга азал қайсар, қалб кўзи кўрлар, Овсарликни енгмоқлик ҳам экан кўп душвор. Асли шулар эмасмикан, манглайи шўрлар, Думбул қибор кўчасига кирма бойчибор. Чу жонивор, чу жонивор, чу жонивор.

Абадиян буюк эрур, улкан Осиё, Сатанг, сўлдан Оврупоку, мангу умидвор. Буюк ўлка боғларинда гулламас риё, Осиёнинг осмонида илохий ранг бор. Чу жонивор, чу жонивор, чу жонивор.

Не ажабким, бу рангларга етмаган Колумб. Етганида дер эдими, — Амрико бекор. Узбекистон, Вашингтон, аслида фарқ йўқ, Амриқолар бўстонида шахд эт бойчибор, Чу жонивор, чу жонивор, чу жонивор.

Биз етмаган гўзалликка етар келажак Ғоят уммон буюқликлар бўлар эҳтимол. Чарҳимизга Янги «Эра» қадам қўяжак Бугунимиз эртага ҳам, топмағай завод Чу жонивор, чу жонивор, чу жонивор.

Эртага ҳам қуёш бўлар, ой ҳам, юлдуз ҳам. Булутлар ҳам осмон гардин артажак такрор. Мен минмаган «Аъсаки»ни минар неварам, Қашфиётлар қанотида ризқ топиб ҳалол Чу жонивор, чу жонивор, чу жонивор.

...КИМДА ТОҚАТ ЙЎҚ

Не ҳам деюр эрдим, нурсен, малаксен. Тупроқдин кўп ироқ, нозик фалаксен.

Шундай фалаксенким, кўланкаси йўқ. Чексизсен, куш учун, қўналғаси йўқ.

Сендин нурлар келур, қулбамга бот-бот. Мушк-анбар соғинчи, чирмашуб — ҳайхот:

Ҳайхот: забонсиздек, оташим ортгай, Хижронот оташи домиға тортгай.

Бу хижрон саҳросин забт этмоқ душвор, Фариштаси фусункор, девлари бедор.

«Бу саҳро» Мажнунни этган саргардон. Нодирабегим ҳам ютиб ўтган қон.

Ғадо-ю, султонни сийлаб ўтирмас, Домиға тушғонлар осон қутулмас.

Бу хижрон саҳроси шундай ғампараст, Унда голиб эрур идрок ила даст!

Шиддат парвозила керак ўтмоқлик Шунда насиб этгай ташвиш ва шодлик.

Заҳмат палласига кимда тоқат йўқ, Кўнгли муаллақдур, ишққа ҳожат йўқ.

...ЮРАК

Истасанг, тўрт томон қибладур, бугун. Мард эрсанг, йўқ эрур, ечилмас тугун. «Кузак» чоғ, аҳволинг бўлмасдан нигун Хижрон саҳросига лашкар торт юрак.

Занжирбанд замин бор, саҳроларда ҳам. Зиё бор, ёлғизу танҳоларда ҳам. Дунё бор «дунё»сиз дунёларда ҳам, Хижрон саҳросига лашкар торт юрак.

ҚАДР МАЙДОНИ

Вафо аҳли топилгайму? — ўзингга, ўзингдан бўлак. Вафо ранги кўрингайму? — кўзингга, кўзингдан бўлак.

Донишу, бол забон эрсанг, қадр майдони амал-дир, Амал имкон оғосидур, тузингга, тузингдан бўлак.

Амал ёрқин жаҳон ичра, ҳар кас-гаким насиб эрмас, Насиб эрса самар келгай, сўзингга, сўзингдан бўлак.

Бир майизни қирққа бўлсанг, амал чирмаёб олғувсидир, Тўиса, дўстинг ёруғ юздур, юзингга, юзингдан бўлак.

Амал, ишқга амал этмоқ, зинҳор амал, дор ўлмасун Амал дори этар тортиқ, музингга музингдан бўлак.

Элга амал қор ўлсину, дор ўлмасун, бил эй, қўнғил, Беамалга, амал дордир, ризқу-рўзингдан бўлак.

Турсун МУҲАММАД.

* СПОРТ * * СПОРТ * * СПОРТ * * СПОРТ *



Футбол «Жинниси»

Қанчадан-қанча футболчилар сулоласи, мураббийлар, ҳакамлар, мухлислар билан суҳбатлар қилганману, бунақа «футбол жинниси»га биринчи бор дуч келишим. Унинг қилган ишларини бирма-бир гапириб берсам, ишонмайси. Бироқ, бу ҳақиқат, Тоир Ғубоҳонов футболга меҳр қўйган десам камлик қилади. У футболни жону-дилдан чинакамига севади. Ҳатто тушларида яши майдонда тўп тепиб юрган бўлади. У нафақат футболчи, моҳир ҳужумчи, балки, бунёдкор-журмучи, ўйингоҳ раҳбари, назоратчи, бош мураббий, 29-мактабда жисмоний тарбия муаллими ҳамдир.

Чанги қишлоғидаги ўйингоҳ жамоатчилиги асосида мана шу футболчи ташаббуси билан ва унинг бошчилигида қурилди. Ҳамқишлоқлари уни «ўйингоҳ қўжайини» деб ҳам аташади.

...Еш Тоиржон еттичи синфда ўқиб юрган пайтидаёқ туман биринчилиги мусобақаларида қатнаша бошлади. Узи тугилиб ўстан қишлоғида ўйингоҳ йўқлиги туфайли кўшни қишлоқ жамоаси сафида тўп сурди. Қишлоғида ўйингоҳ йўқлиги унга жуда-жуда алам қиларди. Урта мактабни тугатиб, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия олийгоҳига кириш учун ҳужжатларини топширди. Унинг орузси «Пахтакор» жамоаси сафида ўйнаш эди. Бироқ имтиҳонлардан йиқилди, лекин қароридан қайтмади. Келаси йили яна уринди, яна бўлмади. Учинчи йилги уриниш ҳам зое кетди. Бу орада армия хизматида бориб, бурчини ўтаб қайтди. Сўнг яна олийгоҳга кириш имтиҳонларини топширди. Яна йиқилди. Хуллас, олти йил деганда орузси ушалди.

1986 йил Тоир Ғубоҳонов олийгоҳга ўқишга киргандан кейин ҳам ҳамқишлоқлари жамоасига бошчилик қилиш билан бирга футбол ўйнашни тарк этмади. Уша кезлари унинг собиқ пахтакорчи, машҳур футболчи Биродар Абдураимов билан бўлган учрашуви бир умрга эсдан чиқмайдиган воқеа бўлиб қолди. Уч кўннинг отаси Тоир Биродарга агар ўғил кўрсам сизнинг исмингизни қўймоқчиман, зора, сиздек машҳур футболчи бўлиб етишса, деб ниятини айтиб, Биродар Абдураимовнинг розилигини олди. Шундай ҳам бўлди. Кўп ўтмай ўғил кўрган Тоир фарзандига Биродар деб ном қўйди.

1990 йили Тоир ўз атрофида футбол шайдоларини тўплаб, режаларини ўртқалашди. Ҳамқишлоқлари Одиқ Саидов, Баҳром Абдураимов, Буриқон Икромқонов, Меҳриддин Оразимбоев, Уринбой Қозоқбоев, Рашид Мелибоев, ака-ука Тўла,

Равшан ва Қаҳрамон Шосолиқовлар, Абдуҳоҳид Абдураззоқов, Шоислом Шохромов ва бошқалар уни қўллаб-қувватлади.

Бунақаси кам бўлади

лар. Қишлоқ ёшлари номидан хат ёзишиб, жамоа ҳўжалиги раиси Тоштемир Муродовга ниятларини айтишди. Икки гектар ташландиқ ер олишиб, ўйингоҳ қуришга киришдилар. Иш жуда оғир кўчди. Техника, қурилиш материаллари йўқ эди. Тоирнинг ўзи сой бўйида шўғон қилаётган иккита бульдозерчи билан гаплашиб, уларни икки кунга ёллади. Кейинчалик тил топишиб, роппа-роса қирқ кун ишлатиб, майдонни текислатди. Чим ётқузилди. Дарвозалар ўрнатилди. Тўрларни ҳам ўзлари тўқушди.

Буларнинг ҳаммаси ҳашар йўли билан қилинди. Футбол майдони битган томошабинлар учун чоғроқ бўлса ҳам ўриндиқлар, ҳакамлар, футболчилар учун ечиниш хоналарини қуриш лозим эди. Ювиниш учун тоза сўе керак эди. Яна раисга боришди. Спортни севган раис ёшларнинг бу ғайратидан ўзи ҳам қувониб кетиб, қўлидан келган ёрдамни қилди. Иккита кичик-кичик хона қуриш учун қўйналган Тоир ҳашар йўли билан минг тўп терак кўчатлари ўтқазди. Ҳозирда бу тераклар бўйи тўрт-беш метрга етиб, тўсинбоп бўлиб қолди. Яна икки-уч йилдан кейин уларни кесиб, ўйингоҳдаги қўшимча хоналарни қўпайтириш, кичик-кичик заллар қуришни режалаштирган.

Мана беш йилдирки, ёшларнинг сеvimли масканига айланган ўйингоҳда ҳар йили 25 апрель кўни катта футбол байрами бўлади. Бу анъана бўлиб қолган. Ҳар йили камида 10-12 жамоа туман чемпиони учун куч синашади. Тоир Ғубоҳонов бундай байрамни 25 апрелда ўтказишнинг боиси суюкли фарзанди Биродар тугилган кўн билан тўғри келишида бир рамзий маъно

ҳам бор. Узим катта футболда ўйнай олмадим, ўғлим ўйнаган кўни кўрсам деб, ўша кўнларга етсам, дея оруз қилади. Биродар Биродарнинг изини босса деган ният билан ашайди.

Утган йилнинг 7 сентябрида туманда яна бир ўзига хос йирик спорт байрами бўлди. Тоир Ғубоҳонов ўзи қўрган ўйингоҳда футбол билан хайрлашув маросими бўлиб ўтди. Таникли санъаткорлар хизматда бўлишди, дастурхон ёзилди. Чанги қишлоғи жамоаси билан туман терма командаси куч синашди. Учрашув тугашига беш дақиқа қолганда Тоир Ғубоҳонов ўрнига унинг... беш ёшли фарзанди Биродар Ғубоҳонов майдонга тушганда ҳамқишлоқлар ўринларидан туриб, олқушладилар. Тоирнинг қўларидан қувонч ёшлари пайдо бўлди. Тоир Ғубоҳонов футбол билан хайрлашди. Лекин, уни тарк этмади. Ҳамон жамоага устозлик — бош мураббийлик қилмоқда.

Бу ажойиб йигитни нафақат Чанги қишлоғида, балки, бутун туманда яхши билишади ва севишади. Чанги жамоа ҳўжалиги раҳбари туман ҳокими кўмағида маблағ ажратиб, футболнинг чинакам шайдоси Тоир Ғубоҳоновни республика олий мураббийлар мактабига ўқишга йўллади. Ҳозирда Паркентдан чиққан чинакам футбол шайдоси мураббийлар мактабиде таълим олмоқда. Унинг шоғирдлари, издошлари эса туман чемпиони сифатида мамлакат биринчилигининг иккинчи табақасида иштирок этишга ҳозирлик кўришмоқда.

— Насиб этса, Паркентда «Нурафшон», «Нефчи», «Пахтакор» сингари жамоалар билан учрашиш ниятимиз бор, — дейди Тоир Ғубоҳонов, — мен шундай кўн келишига ишонаман. Қишлоғимиз футболчи доверуги учун қўлимдан келган ҳамма ишни қилишга тайёрман.

Тоир Ғубоҳоновнинг режалари катта. У ўйингоҳни янада кенгайтириш, бошқа спорт турларини ҳам йўлга қўйиш ниятида. Футболнинг чинакам шайдоси бўлган бу йигит ҳали юзлаб ҳамқишлоқлари қалбиде спортга меҳр уйғотишга ишончимиз комил.

Шарофиддин УМУРЗОҚОВ.
СУРАТДА: «Чанги» футбол жамоаси. Тоир Ғубоҳонов (орқада, ўнгдан иккинчи).

ЧЕМПИОННИНГ ҲОЛИН СЎРАНГ

КЕЧА Москвада МДХ чемпиони ўртасида навбатдаги анъанавий қишки турнирнинг дастлабки учрашувлари ниҳоясига етди. Ўзбекистон чемпиони «Навбахор» сўнгги учрашувни Бокунинг «Нефтчи» жамоаси билан ўтказди. Мухлислар янги чемпионни Москва катта умидлар билан кузатиб қолишган эди. Афсус. Улар ишқибозлар ишончини оқлай олишмади. Футболчиларимиз биринчи кўн Молдованинг «Зимбру» жамоасига 0:5, сўнгра эса Москванинг «Спартак» клубига 0:3 ҳисобида бой беришди. Чемпионларимизнинг бунчалик ожиз ўйнашларини мухлислар хаёлларига ҳам келтирмагандилар. Шу боис ҳамма «ёқа ушлади».

СУЛТОН СОВРИНИ УЧУН

ДУНЁДА энг бадавлат ҳисобланган Бруней султони Осие-Океаниянинг 15 давлати мерганларини тўплаб, катта мукофотлар тикиб мусобақа уюштирди. Унда Ўзбекистон спортчилари ҳам иштирок этдилар. Жамоамиз аъзолари И. Кувтерин, И. Подгаецкий ҳамда А. Черепенколар голиб келган Қувайт спортчиларинан тўрт очко орқада қолиб, иккинчи мукофотли ўринни қўлга киритишди.

Миржалол АБДУЛЛАЕВ



БЕВАҚТ ўлим Тошкент вилояти Пискент тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция полковниги Миржалол Собитович АБДУЛЛАЕВни орамиздан олиб кетди.

М. Абдуллаев аскарлик хизматидан қайтгач, отаси изидан бориб, ўз ҳаётини халқ осойишталиги посбонлигига бағишлади. Ўз фаолиятини 1973 йилда Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлимида бўлинма сардори лавозимидан бошлаган эди.

Кейинчалик салкам саккиз йил Миржалол Абдуллаев Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармасида жамоат тартибини сақлаш хизматида, жиноят қидирув, жиноятнинг олдини олиш бошқармаларида турли лавозимларда ишлаб, жиноятчиликка қарши кураш сирларини ўрганди, тажрибали ходимга айланди.

Шўнинг учун ҳам 1981 йилда у Пискент тумани ИИБ бошлигининг муовини этиб тайинланди. 1986 йилда ИИБ Академиясини муваффақиятли тугатганидан сўнг Тошкент тумани ички ишлар бўлими бошлигининг тезкор ишлар

бўйича муовини, сўнг вилоят Ички ишлар бошқармаси штаб бошлигининг муовини лавозимида хизмат қилди.

1995 йил июлдан у Пискент тумани ички ишлар бўлимига раҳбарлик қила бошлади. Миржалол Абдуллаев ички ишлар идораларининг қайси соҳасида ишламасин, энг аввало, одамийлиги, самимийлиги, меҳнатсеварлиги билан обрў-эътибор қозонди.

М. Абдуллаевнинг ёрқин хотираси унинг ҳамкасблари, дўстлари, қадрдон кишилари қалбиде доимо сақланиб қолади.

Марҳумнинг оила аъзоларига, қариндош уруғларига чуқур ҳамдардлик изҳор этамиз.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ РАҲБАРИЯТИ ВА ШАХСИЙ ТАРКИБИ.

«Роҳат» очик турдаги акционерлик жамиятининг

фирма дўконлари

аҳолидан ва савдо корхоналаридан

ҳажми **0,33 ЛИТР**

бўлган шиша идишларни қабул қиладилар.

Телефонлар: 63-93-63, 63-87-09.

Об-ҳаво

ҲАВО АЙНИШИ КУТИЛМОҚДА

Ўзбекистон гидрометеорология марказидан хабар қилишларича 29 январдан 2 февралга қадар вилоятимизда вақти вақти билан бироз қор ёғиши мумкин. 5 кўнлик мўддатнинг ўрталарида ёгин-

гарчилик кутилмайди. Кечалари ҳаво ҳарорати 3-8 даража совуқдан 1 даража илиқча ўзгариши, кундуз кўнлари 3 даража совуқдан 6 даража илиққача етиши мумкин.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ
TOSHKENT HAQIQATI

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
ўринбосари:
Раҳимберди
УМАРОВ

Маълумот:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар

Шеллофон:
хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 33-40-48
Эълонлар:
33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.